

Xabar

25
(822)-son

20-iyun

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

Танишинг:



Ўтаётган ҳафта Ўзбекистон мобил алоқа операторлари сафида янги ном пайдо бўлди. Қарийб 12 йилдан буён республикамиз фуқароларига хизмат кўрсатиб келаётган "COSCOM" компанияси ўз мучал тўйида янгича қиёфа, янгича сифат билан фаолият бошлашини маълум қилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз мобил алоқа хизматлари бозорига Ucell кириб келди.

16 июн куни "Интерконтинентал" меҳмонхонасида "COSCOM" компанияси Ўзбекистонда янги — "Ucell" савдо белгисининг жорий этилишига бағишланган матбуот анжуманини ўтказди. Унда "TeliaSonera Eurasia" президенти Теро Кивисаари, "Fintur Holdings" B.V. амалиётлар директори Олим Атеш ва "COSCOM" ХК бош директори Оғуз Мемигювен қатнашди.

3-бет




Бир пайтлар суратни ўзи чиқариб берадиган фотоаппаратлари билан жаҳонга танилган Polaroid компанияси яна бир янгиликка қўл урди. Яқинда компания тамғаси остида бўёқсиз мобил фотопринтер — PoGo бозорга чиқарилади.

Қурилма шунчалик мўъжазки, бемалол чўнтакка сиғади. Унинг ёрдамида ҳамён катталигидаги суратлар чиқариш мумкин.

PoGoning оғирлиги — 8 унция (тахминан 230 гр). Чоп этиладиган суратларни bluetooth орқали фотокамерали мобил телефонлардан ёки USB-кабел ёрдамида рақамли камералардан олиш мумкин. Қурилмада бўёқсиз ишловчи Zink технологияси қўлланилган. Махсус Zink-фотоқоғозининг бир донаси ҳозир 35 цент туради.

PoGo Polaroid июл ойида 149 доллар қийматида савдога чиқарилиши кутилмоқда.



Ушбу сонда

Оқ йўл, магистрлар!

2-бет

Уяли алоқанинг учинчи авлоди

5-бет

Всеобщей декларации прав человека 60 лет

6-бет

Шиша клавиатура

11-бет

Эътибор

12-бет

ПРОМЕТЕЙдан...
RAYNETгача

16-бет



Кенг қамровли
сўғурта хизматлари

тел.: (+998 71) 273-80-05, факс: (+998 71) 273-80-06



UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN —
JUMAGACHA

Кунни кеча матбуотда Президентимиз И.Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди.

Қарорга мувофиқ вазирлик, ҳокимликлар, давлат муассаса ва ташкилотлари зиммасига республикамиз мустақиллигининг ўн етти йиллигини муносиб кўтиб олиш, ушбу буюк сананинг моҳияти ва аҳамиятини мамлакатимизда ва халқро жамоатчилик ўртасида кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини халқимиз хотирасида ёрқин из қолдирадиган юксак даражада ўтказиш мақсадида бир қатор вазифалар топширилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби тасдиқланиб, мазкур комиссияга шу йилнинг 25 июнига қадар "Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуқратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир" деган эзгу ғояни ўзидан муҳассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқиш юклатилди. Қарорда ушбу дастурни тайёрлашда мустақиллик — халқимизнинг асрий орузи, кўп йиллик курашлар натижасида қўлга киритилган тарихий ютуғи, энг улуг ва энг азиз байрам эканини чуқур очиб беришга қаратилган маданий-маърифий анжуманлар, суҳбат ва учрашувлар уюштириш, истиқлол халқимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиб, ўз қадр-қимматини англаш, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишнинг мустақам гарови бўлиб келаяётганини оммавий тадбирлар орқали акс эттириш, кенг қўллади ислохотлар натижасида иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиб, аҳолининг ҳаёт даражаси ва фаровонлиги ошиб бораётганини, муҳим ижтимоий дастурларнинг ижобий самараларини ифода этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш сингари масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши белгилан берилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликларига, "Камолот" ЁИХ, Хотин қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармаларига жойларда байрамни муносиб нишонлаш учун тегишли комиссиялар тузиш ҳамда жорий йилнинг 1 июлига қадар республика дастурида белгилан берилган асосий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш, шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш кўзда тутилган дастурларни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, тегишли вазирлик ва ташкилотларга "Ватан ягонадир, Ватан биттадир", "Энг улуг, энг азиз" танловларини ҳамда ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол" мукофотида номзодларнинг республика саралаш босқичини юқори даражада ўтказиш вазифаси топширилди.

Матбуотда шунингдек, "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ҳам эълон қилинди. Қарорга асосан 2008-2012 йиллар даврида ногирон болалар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тасдиқланди. Ушбу дастурни амалга ошириш учун ҳокимликлар ва ташкилотларга тегишли вазифалар юклатилди.

Муҳокамада атамашунослик масалалари

SEMINAR

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида "Атамашунослик — касбий тафаккурни шакллантиришда, фан ва таълимни ривожлантиришда" мавзuida илмий-амалий семинар ўтказилди. Тадбир ЎзААА, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази, Ўзбекистон радиотехника, электроника ва алоқа илмий техника жамияти, Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари Асаджон Хўжаев сўзга чиқди.

Ҳар қандай тил доимо тараққий этиб, янгилиниб, бойиб боради. Миллат тафаккури қанчалик юксалса, илм-фанда юксак марраларни забт этса, шунга мувофиқ равишда тил ҳам гўзаллашади, кенг тарқалади. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг олий ва ўрта-максус ўқув юрларида ўқитиш жараёни, илмий-тадқиқот институтиларида ҳужжатлаштириш ва иш юритиш Давлат тилида йўлга қўйилди. Айни пайтда ўзбек тилида дарслик ва қўлланмалар ҳамда фан соҳаларида оид атамаларнинг изоҳли лугатларини яратиш масаласи долзарб аҳамият касб этиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Бу масала алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси учун ҳам бегона эмас.

Албатта, она тилимиз муаммоси фақат тилшунослар зиммасидаги иш эмас. Қайси соҳада фаолият юритишдан қатъи назар, ҳар

қандай мутахассис аввало шу юрт, шу миллат фарзанди эканлигини асло унутмаслиги лозим. Агентликда ўтказилган семинар ҳам етук кадрлар тайёрлаш, фан ва таълимни ривожлантиришда ўзбек тилининг салоҳиятини оширишдек долзарб мавзуга бағишланди. Фан ва техника жадал суръатларда ривожланаётган ҳозирги кунда турли соҳаларга оид атамаларни тартибга солиш ва бу борада ўзбек тилининг имкониятларидан имкон қадар самарали фойдаланишга алоҳида урғу берилди. Шу ўринда семинарга ўзбек тилшунослиги бўйича кучли олимлар, бошқа соҳаларнинг атамашунос-мутахассислари ҳам таклиф этилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Жумладан, ЎзФА академиги Азим Ҳожиёв, география фанлари доктори Суюн Караев, филология фанлари номзоди Неймат Маҳмадов, филология фанлари номзоди Раъно Қобуловалар сўзга чиқиб бугунги ўзбек терминологиясининг ҳолати ва ечимини қутаётган масалалар, терминларни тар-

тибга солишнинг долзарб муаммолари, соҳада замонавийлик принциплари, патент ҳужжатлари ва илмий-техникавий матнларни таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, Халқ таълими вазирлиги, ФТМТМ, Республика ахборот-кутубхона маркази, Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази ҳамда бир қатор олий ўқув юрлари мутахассислари ўз фаолиятлари мисолида тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Қатнашчилар ахборот билан ишлашда электрон глоссарийларнинг аҳамияти, масофавий таълимда Moodle тизимининг интерфейсини ўзбек тилига ўгириш, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси терминологияси, соҳага оид илмий-техникавий таржимада терминларни қўллашнинг долзарб масалалари, кутубхона терминологиясини стандартлаштириш, эркин ва очик кодли дастур таъминотларини маҳаллийлаштириш, телевидение терминларининг шаклий ва маънавий соддалаштирилиши, ўзбек юридик атамаларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари сингари қизиқарли ва сермазмун маърузаларни тингладилар.

Семинарда билдирилган фикр ва мулоҳазалар асосида атамашунослик соҳасини ривожлантиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўз мухбиримиз

TADBIR

Тошкент ахборот технологиялари университетини битирган мутахассислар нафақат мамлакатимизда, балки қўллаб қўшни республикаларда ҳам самарали фаолият юритмоқдалар. Ана шундай мутахассислар сафи бу йил ТАТУ магистрлари ҳисобига 199 нафарга ортганлиги қувончлидир.

Яқинда ТАТУ мажлислар залида магистрларга диплом топширишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирни ТАТУ ректори Содиқжон Қосимов очиб, магистрларга муваффақиятлар тилади. Тантананда ишлорқа этиб, ўз дил сўзларини баён этган Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Абдулла Арипов шундай деди:

— Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси бугунги кунда халқ ҳўжалигининг етакчи тармоқларидан бирига айланди. Соҳага малакали мутахассислар тайёрлашда асосий ўрин тутувчи Тошкент ахборот технологиялари университетидан талабаларнинг кучли билим олишлари учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қиляпмиз. Мақсадимиз олийгоҳни битирган мутахассислар нафақат юртимиз ёки Марказий Осиёда, балки ҳажон миқёсида бошқалардан ўзиб ишлашга лойиқ инсонлар бўлишини. Зеро, иш жараёнида талаб диплом эгаларига эмас, малакали мутахассисга қўйилди. Шунинг учун ҳар бир ёш мутахассис ўз устида тинмай ишламоғи, соҳадаги дунё янгиликларидан бохабар бўлиб бормоғи лозим. Бунинг учун нафақат инглиз, балки бошқа тилларни ҳам пухта ўрганиб, амалиётда қўллашнингизни истар эдим. Зеро, бугунги давр ана шундай мутахассис бўлишни талаб этмоқда.

Бу йил магистрлардан 40 нафарга яқинининг инглиз тилида диплом ҳимоя қилгани, 24 нафар диссертация ёқловчиға аспирантурада ўқишларини давом эттиришлари учун тавсия берилгани қувончли ҳол.



Оқ йўл, магистрлар!

Шунингдек, табрик учун сўз олган "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Рустам Қосимов, Тошкент шаҳар маънавият ва маърифат кенгаши раиси Иброҳим Абдуғаниев, битирувчиларнинг ота-оналари номидан Маргарита Афанасевалар ҳам мустақил ҳаётга йўлланма олаётган ёш мутахассисларга мустақам соғлиқ, ижодий парвозлар тиладилар.

— Бугун ҳаётимда энг қувончли кун, — деди иқтисод ва бошқарув факултети магистри Дилбархон Маҳмудова. — Олти йил таълим олган даргоҳимиз биз учун қанчалар қадрли ва азиз. Бизнинг етук мутахассис бўлиб етишишимиз учун барча шароитлар яратилди. Катта фондга эга бўлган ахборот-ресурс маркази, виртуал лаборатория, электрон кутубхона хизматимизда бўлди. Ўқиб давомдада "Ўзбектелеком" АК, "МТС-Ўзбекистон", "Coscom", "Билайн", "Ист Телеком" каби алоқа компанияларида бўлиб, иш ўргандик. Биз барча яҳи ва эзгу ишлар, юксак имкониятлар учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, университетимиз раҳбарлари ва ҳурматли устозларимизга чексиз миннатдорчилик билдирамиз. Сиз азизлар истаганингиздек етук мутахассис бўлишга сўз берамиз.

Битирувчилардан Азизжон Дўстобоев, Хуршид Луффуллаевлар ҳам ўз миннатдорчиликларини ҳаяжон билан баён этдилар.

Муборак МИРКАМΟΛОВА,
"Xabar" мухбири

ТАҚДИМОТ

Танишинг: u cell

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мамлакатимиздаги етакчи уяли алоқа операторларидан бири ҳисобланган "COSCOM" компанияси жорий йилнинг июн ойидан тўлиқ янги савдо белгиси остида хизматлар кўрсатишни бошлади. Ўзбекистон бозорига янги белгининг чиқарилиши компаниянинг кенг қўламли маркетинг кампанияси доирасида бўлиб ўтди.

— Эндilikда барча хизматларимиз янги «Ucell» савдо белгиси остида тақдим этила бошлайди, — дейди Оғуз Мемигювен. — Компаниянинг янги эгалари билан ўзаро келишган ҳолда ушбу қарорга келдик. Савдо белгисининг «Ucell»га ўзгариши, бир томондан, бизнинг Ўзбекистонга тегишлилигимизни англатса, иккинчи томондан, «COSCOM»нинг жаҳон тоифасидаги телекоммуникация компаниялари "катта оиласи"га қўшилганлигини англатади.

2007 йилнинг ўрталарида «COSCOM» акцияларининг назорат пакети Европанинг етакчи телекоммуникация корпорацияларидан бири бўлган "TeliaSonera" томонидан сотиб олинган. "TeliaSonera", шунингдек, МДХда Қозоғистоннинг «K'cell», Озарбайжоннинг «Azercell», Грузиянинг «Geocell» ҳамда Молдовада «Moldcell» каби компаниялар акцияларининг асосий улушларига эга.



— Европа инвесторига тегишли эканлигига қарамай, «COSCOM» «Ucell» савдо белгиси остида Ўзбекистон учун маҳаллий компания бўлиб қолаверади. Биз жаҳон стандартлари даражасида хизмат кўрсатиш, ўз ходимларимиз, мижозларимиз ва жамият ҳақида қайғуриш, жаҳон этика меъёрларига мувофиқ хизмат кўрсатиш орқали ўз анъаналаримизга содиқ қоламиз, — дея сўзини давом эттирди жаноб Мемигювен.

Анжуманда таъкидланишича, компания Ўзбекистон уяли алоқа хизматлари бозоридаги улушини оширишга ҳаракат қилади. Жорий йилнинг апрел ойида компания мижозлари сони 1 миллиондан ошганди, йил охиригача бу кўрсат-

кични икки бараварга ошириш, «Ucell»нинг бозордаги улушини 20 фоизга етказиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, 2008 йилда 3G тармоғини фойдаланишга топшириш ҳам режалаштирилган.

2008 йилда компания ўз база станциялари сонини 2,5 минтагача етказмоқчи, келгуси йилларда эса умумий ҳисоблаганда 5 минтагача база станцияси ўрнатилади. Шу тариқа Ўзбекистонда «Ucell» тармоғи билан қамраш даражаси 95 фоизга етказилади, тармоқни ривожлантиришга 200 миллион АҚШ доллари атрофида сармоя сарфланади.

Собит АҲАДОВ,
"Xabar" мухбири

"Ўзбекистон почтаси"
ОАЖ Фарғона филиалида жамият томонидан белгиланган чора-тадбирлар режасига кўра, почта алоқаси тармоқлари ва бўлимларида аҳолига ахборот-коммуникация технологиялари асосида хизмат кўрсатиш жадал риожданмоқда.

ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

Филиал раҳбарияти янги хизмат турлари кўрсатишни тобора яхшилаш мақсадида ходимларнинг касбий маҳорати ва компютер техникасида ишлаш кўникмасини оширишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Филиалнинг малака ошириш ўқув машғулоти ўтказиш бўйича ишчи гуруҳи машғулотларни юқори савияда ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Гуруҳ раиси, филиал бош директорининг ўринбосари Расулжон Қамбаров бизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 19 майдаги "2010 йилгача почта алоқаси шохобчаларини замонавийлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари негизида хизматларнинг янги турларини жорий этиш ва ривожлантириш дастури тўғрисида"ги қарорини амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб турибди. Шунинг учун ҳам биз раҳбарлар ва ходимларнинг билим ва малакаларини мунтазам равишда ошириб бораёلمиз. Ҳозирги кунда туман-шаҳар почта алоқаси тармоқлари ходимлари ва почта бўлими бошлиқларининг компютер технологиялари бўйича малакасини ошириш режасига кўра ўқув машғулотлари давом эттириляпти. Уч кунлик ўқув машғулотида 20 нафардан ходимлар ва бошлиқлар малака оширмоқда. Июл ойининг ўрталаригача жами 146 нафар алоқачи малака оширади.

— Рости, компютердан қўрқар эдим, — дейди Қувасой шаҳар 1-алоқа бўлими бошлиғи Шохсанам Парпиева. — Бехуда ташвишланган эканман. Дастлабки кундаёқ кўп нарсаларни билиб олдим. Энди бемалол компютерда ишлайдиган бўлиб қолдим.

Олис тоғли чегара ҳудудидан келган Сўхнинг Равон ПАТ Чумоқчи алоқа бўлими бошлиғи Фаттоҳон Нишоҳон ҳам кутганидан кўп нарса ўрганганидан хурсанд. Ётоқхонада ҳам барча қулайликлар, шарт-шароитлар яратилганидан гоят мамнун эканлигини билдирди. "Бугунги кун талаблари асосида беҳато ишлайдиган бўлдик", деди у.

Ҳафиза САЛЯҲОВА,
"Xabar"нинг Фарғона
вилоятидаги мухбири

«MAXI» ТАРИФИ БИЛАН МАКСИМАЛ МУЛОҚОТ!

"МТС-Ўзбекистон" компаниясидан мобил телефон орқали кўп мулоқот қиладиганлар учун янги таклиф – имтиёзли дақиқалар киритилган «MAXI» тариф режаси.

Янги тарифда абонентлар ҳар ойда \$25 абонент тўлови ҳисобига 1500 имтиёзли дақиқаларга эга бўладилар. «MAXI» режасида МТС-Ўзбекистон тармоғи ичидаги кирувчи ва компания маълумот хизматига кўнғироқлар бепул ва имтиёзли дақиқаларни сарф қилмайди. Ўзбекистон бўйича бошқа кўнғироқлар имтиёзли дақиқалар тугагандан сўнг худди тармоқ ичидаги чиқувчи алоқадек нархланади — \$0,02 бир дақиқа учун.

«MAXI» тариф режасига компания офисларида ва МТС дилерлик масканларида ҳамда PAYNET тўлов шахобчаларида улашиш мумкин. Аввалдан уланган абонентлар янги тарифга USSD-порталнинг *111# рақамига ёки *111*109# USSD бўйруқ рақамига кўнғироқ қилиб ўтишлари мумкин.

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида "MGE Office Protection System" (Франция) компаниясининг узлуксиз электр таъминот манбаи (USB) маҳсулотлари тақдимоти ўтказилди. Тадбир «AGATA IMPEX LTD» компанияси томонидан ташкил этилди.

MGE маҳсулотлари Ўзбекистон бозорида



MGE Office Protection Systems тизимлари офисларда электр таъминотини ҳимоялаш, тақсимлаш ва бошқаришнинг барча муаммолари билан шуғулланади. Компания 2007 йилдан бошлаб Eaton Power Quality таркибида фаолият юритиб келмоқда. MGE OPS бошқа аксарият компаниялардан фарқли равишда маҳсулотларининг сифат назоратини тўлиқ таъминлаган ҳолда уларни ўзининг шахсий корхоналарида ишлаб чиқаради. Дунёдаги қарийб барча мамлакатларда компаниянинг дистрибютерлари иш олиб бормоқда. Ўзбекистон ҳудудида ушбу вазифани «AGATA IMPEX LTD» компанияси бажариб келяпти.

Йиғилишда MGE OPS компанияси ва Eaton Power Quality SAS маҳсулотлари дистрибуцияси бўйича департаментининг вице-президенти Эммануэл Виллер тақдимот ўтказди. Унинг сўзларига кўра, Eaton компаниясининг 2007 йилги савдо айланмаси ҳажми 13 млрд. АҚШ долларига тенг бўлди. Компания электр таъминот ускуналари, юк машиналари, автомобилсозлик йўналишида иш олиб боради. Маҳсулотлар ҳажмининг энг катта улуши (37 фоизи) айнан электр таъминот маҳсулотларига тўғри келади. Бугунги кунда исталган жойда ушбу компания жиҳозларини учратиш мумкин. Узлуксиз электр таъминот манбаи маҳсулотларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонда иккинчи ўринда туриши ҳам Eatonнинг имкониятларини яққол намоён этади.

Тақдимот маросимида компаниянинг Дубай (БАА)даги ваколатхонаси раҳбари ҳам иштирок этди. У Ўзбекистон бозорига тақдим этилаётган узлуксиз электр таъминот манбаи маҳсулотларининг хусусиятлари, устунлиги ва ишлаш тартиблари ҳақида маълумот берди.


Хулқар РЎЗИЕВА

XALQARO HAYOT

TOSHKENT SHAHRINING 2200 YILLIGIGA

БАНКЛАР ИШЛАЙВЕРАДИ

Эрон Европа банкларидаги ўз ҳисоб рақамларини ёпмоқчи эмас. Бу ҳақда Bank Mellat давлат банки бошқарувчиси Али Диванларий маълум қилган. У шу орқали AFR агентлиги тарқатган "Яқин Шарқ мамлакати Европада 75 миллиард долларлик активларини олиб чиқиб бўлди" деган хабарни рад этган.



Эронда чоп этиладиган Shahrvand-e Emrouz газетаси эса Европа Иттифоқи Эронга нисбатан қўлайдиган санкцияси доирасида бу мамлакатнинг Европа банкларидаги ҳисобларини музлатиб қўймаслиги учун президент Маҳмуд Аҳмадинажот буйруғи билан бу ишга қадам ташланганини қайд этган. Али Диванларий бунга муносабат билдириб, Европадаги ҳисобларни ёпишга ҳеч қандай сабаб йўқлигини, бу масала Эронда ҳатто муҳокама ҳам қилинмаганини таъкидлаган.

Европа агар Эрон ўз ядро дастуридан воз кечмаса янги санкцияни қўллаш керак деб ҳисобламोकда. AFR маълумотига кўра, молиявий санкциялар Эрон банкларига, жумладан, Bank Mellatга таааллуқлидир.

БИРГАЛИҚДАГИ АМАЛИЁТ

Афғонистоннинг Қандаҳор музофотида НАТО ҳарбий кучлари ҳамда афғон армияси толибларга қарши биргаликда амалиёт бошлаган.

Кейинги пайтларда Қандаҳорда "Толибон" ҳаракати аъзолари фаоллашган. Улар кўприкларни портлатишган. Қишлоқларни миналаштирганликлари натижасида тўрт мингга яқин тинч аҳоли қочоққа айланган. Жангарилар қамқоҳоналардан бирига ҳам ҳужум қилиб, у ердаги маҳбус толибларни озод қилишган.



Фараҳ музофотида бўлиб ўтган оғир жангда 30дан ортқ жангари йўқ қилинган, 12 нафар яраланган. Жангарилар орасида Покистон, Чеченистон ва араб мамлакатларидан ёлланганлари ҳам бор.

ФИДЕЛ КАСТРО ЯНА ТЕЛЕВИДЕНИЕДА

El País газетасининг маълум қилишича, Кубанинг собиқ етакчиси Фидел Кастро ярим йилдан сўнг яна мамлакат телевидениесида пайдо бўлган.

82 ёшли Кастро Венесуэла президенти Уго Чавес билан суҳбатлашган. Суҳбат давомида укаси — мамлакатнинг амалдаги президенти Раул Кастро унинг ёнида бўлган. Кастро ва Чавес озиқ-овқат ва иқтисодий таназзул, шунингдек, дунёдаги энергия ҳолатини муҳокама қилишган.



Манбада айтилишича, Кастро охириги марта бундан олти ой аввал Куба телевидениеси орқали чиқши қилган. Ушанда у Бразилия президенти Луис Инасио Лула да Силва билан учрашган эди.

ТЕРРОРЧИЛИК ОҚИБАТЛАРИ

Бағдоддаги шиалар яшайдиган Ал-Хуррия туманидаги бозорда миналаштирилган автомобилнинг портлаши натижасида 50дан ортқ киши ҳалок бўлган, 75 киши эса жароҳатланган.

France Presse хабар беришича, бундан бир неча соат олдин Бағдоднинг Ал-Сувк туманида ҳам портлаш содир бўлган. Оқибатда антитеррор гуруҳининг тўрт нафар маҳаллий аскарлари вафот этган. Ҳозирча иккала терактни ҳам ҳеч бир террорчилик гуруҳи зиммасига олгани йўқ.

Интернет материаллари асосида
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

ЧИРОЙИНГ ОШАВЕРСИН,
ГЎЗАЛ ТОШКЕНТИМ!

Ҳар бир мамлакатнинг тараққиёт даражасига ўша юрт аҳолисининг маънавияти ҳамда орзу-ниятларининг нечоғлиқ улугвор ҳамда юксалишига унинг пойтахтига қараб ҳам баҳо бериш мумкин. Зеро, даромадга қараб буромад деганларидай, пойтахт шаҳарлари катта эътибор, маблағ, шунингдек, улкан савий-ҳаракатлар эвазига гўзаллашади, ўзгача чирой топади.

Яқинда чет элга ишлаш учун кетган танишим хизмат сафаридан қайтиб келди. Она шаҳрини интиқлик ва беадад соғинч билан айланиб чиққан дугонамнинг хурсандчилиги бир олам эди.

— Иш юзасидан кўплаб давлатларда бўлдим, — дейди у. — Улар ичида шундай пойтахт шаҳарлар ҳам борки, кўриб ҳайрон қолади одам. Улар бошқа оддий шаҳарлардан фарқ қилмайди. Лекин она Тошкентим кейинги йиллар ичида ўзгача кўркам эга бўлибди. Жаҳон андозаларига мослаб қурилган бинолар, кенг ва раван кўчалар, атрофга ажойиб ифор таратиб турган турфа хил гуллар... Қараб кўзим тўймапти. Тошкент дунёнинг энг гўзал шаҳарлари билан беллашадиган даражада чирой очибди. Бу фақат менинггина эмас, балки уйимизга меҳмон бўлиб келган чет эллик дугонамнинг ҳам фикри.

Дарҳақиқат, Тошкентда мустақиллик йилларида улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари олиб борилиди. Марказий кўчалар қатор замонавий кўприклар билан туташтирилиб, катта ва кичик халқа йўли ҳосил қилинди. Янгидан-янги бог ва хиёбонлар ташкил этилиб, улар пойтахтликларнинг сеvimли оромгоҳига айлантирилди. Шаҳарнинг "қон томирлари" — текис кўчаларда йўловчилар узоғини яқин қилаётган қўлай ва чиройли транспортларни кўриб, дил яйрайди.

— Тошкент 20 асрлик тарихга эга, — дейди тарих фанлари номзоди, таниқли олима Муборак опа Юнусхўжаева. — Эрамиздан аввалги III асрда Салар ариғи бўйида Мингўрик кўргони бўлганлигини ҳозиргача сақлаиб қолган ёзма манбалар ва қадимий кўрган қолдиқлари тасдиқлайди. Биринчи ёзма манбалар орасида Хитой элчиси Чжан Тезан ёзувларига асосланган Хитой солномалари алоҳида аҳамиятга эга. Буюк Ипак йўли бўйлаб биринчи қарвон йўлининг ўтказилиши шу элчининг исми билан боглиқ деб ҳисобланади.

Тури Хитой манбаларида шаҳар номи Ши деб аталган. Бу ном тош маъносини

билдиради. Лекин манбалар фақат бу ном билан кифояланмайди. Жумладан, Эрондаги Сосониёлар сулоласининг вакили бўлган шоҳ Шопур Iнинг зардуштийлик қабрасидаги эрамизнинг 262 йилида ёзилган ёзувда шаҳар номи Чоч деб аталган эди.

Эрамизнинг IV асридан бошлаб Чоч шаҳри кўплаб тўқнашувларнинг маркази бўлиб қолади. 550-йилда шаҳар Турк ҳоконлиги томонидан забт этилади ва бу ерга кўчманчи турк қабилаларидан кўплаб аҳоли кўчиб келади. Маълум вақтдан сўнг Турк ҳоконлиги ағдарилиб, шаҳарни бошқариш маҳаллий ҳукмдорлар қўлига ўтади. 713 йилда араб саркардаси Ибн Қутайба Урта Осиёга юриш қилиб, Чоч шаҳрини ҳам эгаллайди ва бу ерда халифа ҳукмронлиги ўрнатилади. Шу пайтда Тошкент воҳасида 4та шаҳар ва 20та қалъа бунёд этилади. Бу шаҳарлар ичида, Мингўрик қалъаси қолдиқларидаги араб манбаларидан аниқланишича, Мадинат аш-Шош, яъни Тошкент алоҳида ўрин тутган. IX-X асрларда Мингўрик ривожланиб, гуллаб-яшнаган. Унинг таркибидан Шаҳристон шаҳри ва арк ўрин олган.

IX-X асрларнинг ёзма манбаларида шаҳарнинг яна бир номи — Бинкент тилга олинади. X асрнинг охирида Абу Райҳон Беруний ўз асарида пойтахт номини илк бор Тошкент шаклида ёзган. Маҳмуд Қошғарийнинг ёзиб қолдиришича, Тошкент Бинкентнинг туркча номидир.

Ҳа, қадим пойтахтимиз ўз тарихи давомида гоҳ Шайбонийхон, гоҳ Бухоро, гоҳ Хитой, гоҳ Кўкун хонликлари томонидан босиб олинди. Ҳукмдорларнинг бирлари шаҳарни вайрон этган бўлса, иккинчилари қайта бунёд этишди.

Сеvimли шаҳримизга истиқлол йилларида алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли у янада гўзаллашмоқда, янги-янги иншоотлар, чиройли таъмирланган тарихий бино ва ёдгорликлар ҳисобига ўзига хос чирой касб этмоқда. Бу эса кўплаб чет эллик фуқароларнинг юртимизга қизиқиши ортиб боришига сабаб бўляпти. Меҳмонлар Кўкалдош, Абул Қосим, Барақхон мадрасалари, Қафқол Шоший, Сўфи Ота мақбаралари, Ҳазрати Имом архитектура ансамбли, Тилла Шайх, Жума масжидлари, Ҳадра, Мустақиллик, Амир Темури майдонлари, Жасорат монументи ҳамда замонавий архитектура дурдонаси саналмиш Амир Темури музейини қизиқиб томоша қилмоқдалар.

Муборак МИРКАМОЛОВА

Фикр

Тошкент ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Ушбу қадимги ва бир вақтнинг ўзида замонавий шаҳар унинг меҳмонларида ўнмас таассурот қолдиради. Тошкент келгуси авлодлар учун авайлаб сақлаб қоллинаётган гўзал ислом архитектура иншоотлари, мадраса, масжид, музей ва кутубхоналарга бой шаҳар.

Мансур ал-Мансур,
Саудия Арабистони Подшоҳлигининг Ўзбекистондаги элчиси

MOBIL ALOQA KOMPANIYALARIDA

“Perfectum Mobile” kўshma korxonasi Suxondarё filiali ish boʻshlaganiga ikki yil tўldi. Bu davrda fakat ishlaridan iborat jamoa yangi va zamonaviy uslubda qurilgan ofisiga ega bўldi. Eng muhimi, filialning axborotlashirish asri uchun juda zarurli Suxon zaminida baxarilaʼtgan bунёdkorlik ishlari misolida yaqqol bilinmoqda. Muxbirimizning filial boʻshligi Abdivaʼxob Uʼrinboev bilan muʼloqoti shu xaqda bўldi.

— “Toʻshguzar-Boysun-Kumkurgon” temir yўlining Darbānd stātsiyasida toʻsharotiga qaramasdan telefon xizmatidan unumli foydalaniʼtganiga guvoh bўldim. Biliшимча, bunda filial jamoasining mehnati katta ekan.

— Haqiqatan ham bu muhim yangilikka “Perfectum Mobile” kўshma korxonasi katta hissa kўshdi. Boysun toʻsh boʻgʻridagi Kurguzi kishlogiga tutash Sarimast hududidagi dengiz satxidan qariyb ikki ming metr balandlikda bўlgan bu chўkiga zamonaviy aloqa uskunalarini yūrtatish oson kechmagʻanligini yaʼhi bilasiz. Bu xaqda “Xabar”ning 2007 yil, 24 avgust sonida eʼlon qilingan “Faxrodning jasorati afsona emas...” sarlavxali maqolada batafsil xikoya kilingan edi. Shu bois chўkiga yūlida qatnashgan xaqida gapirib yūrtmayman. Ammo yūrtatilgan imkoniyatdan naʼfaqat Darbānddagi temir yūlchilar, balki Shūrob, Sayrob va Machay kishloqlari aholisi ham keng foydalanaʼtganini aloqida eʼtirof etmoqchiman.

— Buni qarangki, sizlar kўl urgan va bugin mustaqillikni mustaqillashga xizmat qilaʼtgan savob ishlari kўlami keiyinchalik yana kengayibdi.

— Tabarruk bobolarmizdan biri: “Ishonchi oqshaga intil, barakani Yaratanning

уяли алоқанинг учинчи авлоди



yūzi beraʼveradi”, deb aytgan ekan. Toʻgʻli hududagi ishlari tugʻtib kelganimizda bizni yangi va nihoyatda xayrli buyurtma kutib turardi. Taz orada viloyatdagi akademik lisey va kasb-xunar kollejlari qompyuter tūplamlarini yūrtatish va ularni internetga ulash yomushlarini boʻshlab yubordik. Natijada bilim va xunar qanqoch iygʻit-qizlar axborot texnologiyalari asosida taxsil olish imkoniga ega bўlishdi.

Biz maktabgacha tarbiya muassasalari, maktab, kishloq vrachlik punktlari va yūz-yūzini boʻshqarish idoralari ham shunday xijozlab berish imkoniyatiga ega ekan.

Аммо...

— Jaraʼnda uzilish bўlishiga sabab nima?

— Viloyat bўyicha 400 ta maktab, 220 ta kishloq vrachlik punktlari axborot texnologiyalari asosida zamonaviylashtirish sharoitiga ega. Respublika Vazirlar Mahkamasining ushbu masala yuzasidan tegishli qarori bўlishiga qaramasdan, shaxar va tuman hokimliklari bu dolzarb ishga negadir befarq qaraib kelişmoqda. Umid qilamanki, tez kunda bu ish ham yūlga tushib ketadi.

— Soxadagi raqobat bozorida “yutqazib” kўymasliklarinigizga ishonasizmi? Eki maksadli yūna-

lish borasida qanday izlanişlar bўlayti?

— Bilasizmi, “Perfectum Mobile” uyal aloqaning uchinchil avlodiga mansub tizim hisoblanadi. Shunday ekan, tezkor va sifatli xizmat kўrsatish kўlimizda desam adashmayman. Hozir viloyatning yūn ikki tumani radiointernet dilerlari shahar va shahar atroflarida turibdi. Paynet tūlovlar tayan shaharlar filialimizga ham xizmat kўrsatadi. Biz CDMA tizimida yuqori sifatli xizmat kўrsatmoqdamiz. Bu xizmat turarlari masalasida ham boshqa kompaniyalar bilan bellash olamiz.

Birinchi navbatda, ovozning tinikligi uy telefoni darajasiga tenglashtirilgan. Qolaversa, bu xizmat boshqa kishilarning sūzlashuviga aralashuvdan xoli kilingan, axborotning hududidan chetga yūtib ketishiga yūl kўymaydi. Internetda yuqori tezlikda videotasvirlarni uzatish mumkin. “Perfectum Mobile” telefoni, ayniqsa, kishloq mulkdorlari uchun eng afzal stātsionar telefon hisoblanadi. Elektr kuyvati uzilish bўlganda ham 18-24 soatgacha yūz akkumulyatori bilan ishlay turadi.

— Amaldagi Eshlar yiliga munosabatini?

— Jamoamizdagi 18 nafar xodimning barчаси eshlar hisoblanadi. Roppara ikki yil muqaddam Baxodir Ochilov, Shuxrat Uʼrinboev kabi TATUni bitirib kelgan ish kadrlari bilan ish boʻshlagan ekan. Endi esa ular safi ancha yūzdi.

Нортожи ЗИЕВ
сухбатлашди

“ОРОЛОВУЛ”ДА АЛОҚА БЎЛИМИ

Qarshi shahridagi “Oroluvul” mahallasida “Yuzbekiston pochasi” OAJ Qashqadarye filialining 2-aloqa bʼlimi faoliyat kўrsata boshladi. Bʼlimning ochilishi mahallada istikomati kilyuvchilarning kunligini toʻgʻdek kўtardi.

Yangi binoda ish boshlagan ushbu aloqa bʼlimida mahallaning 5000 dan ortiq fuqarolariga pochta xizmati kўrsatilmokdi. Bʼlim hat, telegramma, yūnarma, bānderol yūrtatish va qabul qilib olish, aholiga pensiya tarqatish kabi xizmatlardan tashqari, tabiiy gaz, ichimlik suvi, elektr energiyasi tūlovlarini ham amalga oshiradi. Shu erning yūzida kўshimcha xizmat kўrsatish ham yūlga kўyildi. Jumladan, bʼlim xodimlari fuqarolarning talab va xohishlariga qura ular nomiga kelaytgan hat va telegrammalar, bānderol va yūnatmalarni yulariga olib bori bershilari mumkin.

Aloqa bʼlimining ish boshlashida “Oroluvul” mahalla fuqarolar yigʻinining eʼrдами katta bʼldi. Chūnki, ular yūzlarining ixtiyerida bʼlgan binoni aloqa bʼlimiga foydalanişga bershidi.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
“Xabar”ning Qashqadarye viloyatidagi muxbiri

MUTAXASSIS MINBARI

Ilgor texnologiyalarning yangi avlodlari bugungi kunda dunyoholisi uchun katta qatnashgan imkoniyatlarini yaratib bermokda. Aloqa sohasiga kirib kelaytgan yangi texnologiyalar xizmatidan respublikamiz aholisi ham bahramand bўlmokda. Jumladan, telekommunikatsiya xizmatlariga bʼlgan talab kun sayin ortib borayti.

Telekommunikatsiya xizmatlari — telefon, shaharlararo va xalqaro sūzlashuvlar, faks, kompyuter hamda shu qabilarga bʼlgan eʼtiborlarni qondirish, umuman, soxani rivojlantirish uchun hozirda xoriжий hamda milliy investitsiyalarning jalb etilishi bois eng samarali loyihalarni tanlab olish muhim masaladir. Bu borada birinchi navbatdagi vazifalardan biri telekommunikatsiyalarga bʼlgan talabni aniqlash uchun olib boriladigan marketing tadqiqotlari hisoblanadi. Yūz navbatida, marketing tadqiqotlari ham kuyidagi maksadga yūnaltiliriladi:

- xizmatlarga bʼlgan talablarni aniqlash;
- ularning joylashuvini (dislokatsiya) aniqlash;
- asosiy talablarni qondiradigan axborot texnologiyalarining turarini belgilash;
- iqtisodiy natijalarni taxsil qilish.

Xoriж tajribasiga nazar tashlaydigan bʼlsak, kūpgina yirik chet el firmalarida marketing tadqiqot-

Алоқа соҳасида маркетинг тадқиқотлари



lari uchun savdo aylanmasining 0,1 foizidan 2 foizigacha mikdor qablag sarflanadi. Masalan, mashhur “Prokter end Gēmbel” kompaniyasi har yili mingdan ortiq marketing tadqiqotlarini jahonda barча bʼlimlari bʼyicha yūtkazadi. Har bir mahsulot guruhi bʼyicha mutaxassislarining kundalik faoliyatlari haridorlar talabini yūrganish, tashkilot sotuv xajmini oshirish, yangi mahsulotni rejalashtirish va shu kabi muammolarni hal etish bilan bogʻliq.

Telekommunikatsiyalarga bʼlgan talabni aniqlashda, odatda, axborot texnologiyalaridan foydalanuvchilarning moddiy taʼminlanganlik darajasini asos qilib olinadi. Yaʼni, avval moddiy farovonlik darajasini bʼyicha eng kўp bʼlgan mijozning turi, undan sūng esa ushbu guruhi bʼyicha tūlov qobiliyatiga ega bʼlgan, ammo qanoatlantirilmagan talabning mikdori aniqlanadi hamda bu kўrsatkichi telekommunikatsiyalarga bʼlgan talab sifatida qabul qilish mumkin bʼladi. Ayrim hollarda uzoq istikbolida axborot texnologiyalari xizmatlariga bʼlgan talabni aniqlashda yil ichi mahsulot (YIM) mikdori asos qilib olinishi mumkin. Odatda, axborot texnologiyalariga bʼlgan talabning yūshisi YIM mikdoringing yūzgarishiga proporsional hisoblanadi.

YIMning yūshisi xizmatlarga bʼlgan talabning yūshisiga olib kelmasligi ham mumkin.

Axborot texnologiyalaridan foydalanuvchilar asosan yūta taʼminlanganlar hisoblanadi. Uncha kўp bʼlgan aholining boy qatlami telekommunikatsiya vositalari bilan oldindan taʼminlangan bʼladi, kam daromadlilar uchun arzon bʼlgan axborot vositalari fakat orzu bʼlubi qolishi mumkin, holos. Huddi shu holat differentsiallashgan korxona va tashkilotlarga ham taalluqlidir. Hozir yūrtimizdagi barча analog stātsiyalarining yangi elektron raqamli stātsiyalarga yūtkazilganligi bir qancha kūshimcha xizmat turarlari tatbiq qilişga keng yūl ochib bermokda. Shunday ekan, avvalo, aholining qaysi xizmat turiga talabni yuqori ekanligini aniqlab, talablarga mos ravishda kūshimcha xizmat turarlari tatbiq etish lozim. Aynan shu kabi aniqlash jaraʼnlari “Yuzbektelkom” AKning “Toʻshkent shahar telefon tarmoni” filialida turlicha amalga oshirilmoqda. “TSH” filiali yūtan yil sentyabr oyining 25-sanasisdan 27-sanasisgacha “ICT-Euro 2007” kurgazmasiga kelganlar yūrtasida marketing tadqiqotini yūtkazdi. Bu jaraʼn anketa sūrovnomasi shaklida yūtkazilib, har bir

anketani tūldirgan mehmonga savqatlar takdim etildi. Tadqiqot jaraʼnida shu narsa maʼlum bʼldiki, sūrovnomada qatnashganlarning 40 foizi telefon raqamini aniqlash xizmatidan, 20 foizi yangi qachiruv tushanligi xaqida xabar bersh xizmatidan, 17 foizi parol orkali shaharlararo aloqadan foydalaniş xizmatidan, 13 foizi qiruvchi va chikuvchi aloqani vaqtincha takiklash xizmatidan, 8 foizi boshqa kūshimcha xizmat turaridan foydalaniş hamda 2 foizi umuman kūshimcha xizmat turarlari xaqida maʼlumotga ega emasligi maʼlum bʼldi.

Ushbu maʼlumotlardan kūrinib turibdi, shahar telefon taromigidan foydalanuvchi abonentlarning kўp qismi telefon raqamini aniqlash xizmatidan foydalanan ekan. Shundan kelib chikkan holda filial hozirda bu xizmat turining sifat kўrsatkichini oshirish choralarini kūrmokda. Bulardan tashqari, shahar telefonlaridan foydalanuvchilar uchun hozirda ushbu xizmat turiga yūshash anonim raqamlarni aniqlash xizmati ham takdim etildi.

Улугбек ЮСУПОВ,
“Yuzbektelkom” AK “TSH”
filiali marketing
bʼlimi etakchi muhandisi

ВСЕОБЩЕЙ ДЕКЛАРАЦИИ ПРАВ ЧЕЛОВЕКА 60 ЛЕТ

В этом году исполняется 60 лет со дня принятия Генеральной Ассамблеей ООН 10 декабря 1948 года Всеобщей декларации прав человека.

Всеобщая декларация прав человека стала первым международно-правовым документом, к которому присоединилась Республика Узбекистан после обретения независимости. Избравший путь построения демократического, правового государства сильного гражданского общества Узбекистан, определил права и интересы человека важнейшим приоритетом общественного развития и государственного строительства, всей своей внутренней и внешней политики.

Значительную работу по пропаганде правовых знаний среди населения Самаркандской области ведут информационные центры различных уровней.

Начиная с 1997 года, руководствуясь Национальной программой повышения правовой культуры в обществе, в библиотечных учреждениях города и области были открыты центры правовой информации, оснащенные новыми информационными программами «Право» и «Норма», комплекующими фонды периодическими изданиями по вопросам юриспруденции и права, формирующими информационную базу законодательной литературы.

Выход Указа Президента Республики Узбекистан «О программе мероприятий, посвященных 60-летию принятия Всеобщей декларации прав человека» дал новый импульс для активизации работы информационно-ресурсных центров нашей области в работе с населением по различным аспектам правовых знаний. Так, например, в Самаркандском областном информационно-библиотечном центре за последнее время были оформлены книжные выставки, проведены обзоры: «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси 60 ёшда», «Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш асосий демократик тамойил», «Ёшлар йили» да шахсни ҳар томонлама камол топтириш», «Ёшларнинг янги жаҳият барпо этишда фаол иштирок этишини таъминлайлик», «Мақсадимиз – инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишдир».

Значительным событием в жизни города стало проведение 14-15 июня 2008 года в Доме счастья конференции и презентации выставки – просмотра информационных материалов по вопросам права. Это мероприятие было организовано областным Управлением юстиции при участии Самаркандского областного ИБЦ и посвящено 60-летию принятия Всеобщей декларации прав человека.

Конференцию открыл начальник Самаркандского областного Управления юстиции А.Мардиев. О своей деятельности рассказал присутствующим Ф.Абдусаломов – представитель отдела по защите прав человека при Олий Мажлисе по Самаркандской области. О работе своего информационно-ресурсного центра рассказал представитель Ташкентского Государственного юридического института Д.Якубов.

Выставка – просмотр была представлена более 200 наименованиями новой литературы издательства «Адолат», изданиями правовой литературы из фондов ИБЦ и ИРЦ области.

На мероприятии прошла презентация Национальной базы данных законодательств Республики Узбекистан «LexUZ» Центра Правовой информации при Министерстве юстиции РУз.

За два дня открытого доступа выставку – просмотр посетило более тысячи жителей города и области: студентов, преподавателей ВУЗов и колледжей, специалистов правоведов, служащих различных учреждений и др.

Н. ОГНЕВА,

Зам. директора по библиотечной работе Самаркандского областного информационно-библиотечного центра имени А.С.Пушкина


НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

В ПОИСКОВЫХ РЕЗУЛЬТАТАХ YAHOO БУДЕТ ОТОБРАЖАТЬСЯ РЕКЛАМА GOOGLE

Компания Yahoo после прекращения переговоров о слиянии с Microsoft сообщила о заключении долгосрочного соглашения о сотрудничестве с одним из своих главных конкурентов – поисковым гигантом Google. По условиям подписанного договора, рядом с результатами поиска на сайте Yahoo будут демонстрироваться рекламные ссылки Google.

Соглашение между Google и Yahoo носит не эксклюзивный характер, что позволяет Yahoo размещать в результатах поиска рекламу и других компаний. Договор заключен сроком на четыре года, по истечении которых может быть продлен еще на шесть лет. Кроме того, компании Yahoo и Google сообщили о намерении обеспечить взаимосовместимость своих систем обмена мгновенными сообщениями.

Против соглашения между Yahoo и Google, в частности, выступает корпорация Microsoft, заявляющая, что договор негативно отразится на конкурентной обстановке и ограничит выбор для рекламодателей.



ПОЕЗДА БЕЗ МАШИНИСТОВ

В немецком Нюрнберге в субботу была введена в строй первая частично автоматизированная линия метро, сообщает Earthtimes. Часть поездов, перевозящих пассажиров на этой ветке, управляется компьютером, а часть – машинистами.

Как отмечает издание, пассажирские поезда без машинистов используются во многих странах мира, в том числе и в Германии, однако сочетание на одной ветке автоматизированных поездов и поездов, управляемых человеком, является новшеством. Ранее подобная комбинация считалась специалистами слишком опасной.

Министр транспорта Германии Вольфганг Тифензее, присутствовавший на церемонии открытия, надеется, что используемую при модернизации технологию удастся экспортировать.



США – СНОВА ПЕРВЫЕ В ОБЛАСТИ НАУКИ И ТЕХНИКИ

Соединенные Штаты оставляют за собой лидерство в области науки и техники за счет значительного «прилива» иностранных студентов, ученых и инженеров, сообщила RAND Corporation.

Согласно Reuters, США оставила позади главных конкурентов в Европе и Японии, говорится в докладе некоммерческой исследовательской организации, который был подготовлен по заказу Пентагона.

На США приходится 40 % мировых расходов на научные исследования, 70 % от общего числа лауреатов Нобелевской премии, а также на территории страны находится три четверти из 40 лучших в мире университетов, сказано в докладе.

92 ПРОЦЕНТА РАЗРАБОТЧИКОВ, ИГНОРИРУЮТ VISTA?

Несмотря на усилия Microsoft, основное количество разработчиков пишут программы не учитывая специфику Windows Vista, говорится в новых исследованиях Evans Data. Только восемь процентов фирм, занимающихся программным обеспечением, специально программируют под Vista. Дополнительные данные, собранные вместе с CNET, показывают, что 49 процентов программистов до сих пор пишут под Windows XP, а 13 процентов пишут под Linux.

Причина такого положения не объясняется Evans, но предполагают, что ее основа лежит в технических трудностях с Vista, а так же тем, что XP полностью удовлетворяет большинство пользователей. Решение Microsoft о том, что бы убрать прямой доступ к операционной системе, а так же запрос разрешений на это, заставили разработчиков работать со старой платформой. Усилия Microsoft улучшить безопасность Windows XP также устранили многие из причин для перехода к Vista.

По материалам интернет

Windows Vista



АФОРИЗМ

ПОЙМИТЕ, ЛЮДИ ВСЕЙ ЗЕМЛИ: ВРАЖДА – ПЛОХОЕ ДЕЛО.
ЖИВИТЕ В ДРУЖБЕ МЕЖ СОБОЙ – НЕТ ЛУЧШЕГО УДЕЛА.

Алишер НАВОИ

Хабар +tv

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Икким»
7.05 «Икки тақдир» Т/с.
7.45 «Дилкуш наволар»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.50 «Олтин мерос»
8.55 «Ихор»
9.00 «Икки дарё оралиғида»
«Болалар сайраси»
9.20 «Болалар дуниси»
9.35 «Олтин шаҳар излаб» М/ф.
9.00 «Ахборот»
11.10 «Ватанларвар»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
13.00 «Икким»
13.10 «Хамон ёлдамда...»
13.50 «Олтин мерос»
14.00 «Ахборот»
14.20 «Олам ва одам» дастури.
«Сун ости экспедицияси»
15.10 «Елдоғ» Б/ф.
16.10 «Икки дарё оралиғида»
16.35 «Бир кун»
17.00 «Ахборот»
17.15 «Олтин мерос»
17.20 «Хайт ва кунин»
«Болалар сайраси»
17.40 «Эртақлар - ахшиликка етаклар»
17.55 «Ихор»
18.00 «Сизнинг адвокатингиз»
18.05 «Имон» Т/с.
18.50 «Рангин дунё»
19.10 «ТВ шифор»
19.15 «Оағиллар оғушида»
19.25 19.55, 20.25 21.30
Эълонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/.
20.05 «Олтин мерос»
20.15 «Ахборот»
21.00 «Ахборот»
21.35 «Парламент вақти»
21.55 «Сунги қиролча» Т/с.
22.35 «Икким»
23.00 «Қўшимса, муҳаббат»
/9M5/
23.15 «Икки тақдир» Т/с.
23.55-00.05 Тунги наволар.
«Ўзбекистан»
00.05 Курсатувлар дастури.
00.10 «Юртим бўйлаб» дастури:
«Зубеим ҳаёти»
00.40 «Рангин дунё»
01.00 «Ахборот» /рус/.
01.35 «Ватанларвар»
02.25 «Чемпион»
02.45 «Тангалла болалар» Б/ф.
04.00 «Ахборот»
04.30 «Минг бир ривоят»
04.35 «Олтин мерос»
04.45 «Икки дарё оралиғида»
05.05 «Имон» Т/с.
05.50-05.55 Тонгги наволар.




14.55 «Ватаним менинг»
15.00 «Келажак овози»
15.10 «Болалар оралиғи»
15.35 «Шилк баёзи»
15.45 «Келажак ағзалари»
15.55 «Узгучи неъмат»
16.00 «Давр»
16.10 «Ион оқшони» Т/с.
17.55 «Тафаккур чироғи»
18.00 «Мулқим муто»
18.10 «Узоқлар аниқтаси»
18.15 «Анжелика» Т/с.
18.50 «ЎзЕХ хабарлари»
18.55 «Ардоқ»
19.00 «Давр»
20.30 «Ион оқшони» Т/с.
20.10 «Уғлонлар»
20.15 «Узғури издошлари»
20.25 «Узғурилар оралиғи»
20.30 «ТВ-банк»
20.40 «Ешлар навоиси»
21.00 «Тошкент-2200».


ДУШАНБА

23 ИЮН

21.05 «ЎзЕХ хабарлари»
21.10 «Жумон» Т/с.
21.55 «О, ешгим!»
22.05 «Давр»
22.30 «Тошкент чироклари»
22.35 «SMS-музыка»
23.00 «Хайт-мамонт» Т/с.
23.45 «Юрт тинчилиги»



17.50 Курсатувлар тартиби.
17.55 Мультфильм: «Леопольдинг саргузаштлари». 5-қисм.
18.05 21.50 «Телекурьер - маркет»
18.25 «Биласизми?»
18.30 «Поитайт»
19.20 «ТВ юртим» Т/с.
19.25 «Музыка SMS»
19.50 «Саломат бўлинг» /рус/.
20.00 «Поитайт» /рус/.
20.15 «ТВ юртим» /рус/.
20.20 «Милларос» Т/с. /рус/.
20.50 «Интервью»
21.00 «Хозина»
21.30 «Поитайт»
21.45 «Уйларим»
22.10 «Аёл қалби»
22.30 «Поитайт» /рус/.
22.45 «Кино SMS со звездами»
22.50 00.35 Кино: «Шальные деньги».



7.00 «Бодрое утро»
8.00 «Талкин»
8.25 «Малахов +»
9.30 «Версия»
10.00 Сериял «Татьянин день»
11.30 «Мониторинг»
11.50-13.30 Футбол: Европа чемпионати. 1/4 финал.

18.00 «Тет-а-тет»
18.10 «Олимпиада югуриш кунин»
18.30 «Хабарлар» (рус. тил)
18.50 «Муслик тайм»
19.10 «Жди меня»
20.00 «Футбол шарҳон»
20.30 «Бизнес-рево»
20.40 Теннис. Уимблдон турнири.
21.30 «Хабарлар» (узб. тил)
21.55 Футбол. Жаҳон чемпионати: саралаш учрашуви.
23.30 Ретро-комедия: «Роман по-итальянски». Х/ф.
00.50 «Тунингиз оуда бўлсин»

БИРИНЧИ

04.00 08.05 Телеканал «Доброе утро»
08.00 11.00 14.00 Новости
08.25 «Малахов +»
09.25 «Модный приговор»
10.25 «Контрольная закупка»
11.30 Сериял «Агент национальной безопасности»
12.25 «Детективы»
13.00 Друзие новости
13.20 «Понять. Простить»
14.15 «Взрыв на линкор»
15.00 Сериял «Огонь любви»
15.55 «Федеральный судья»
16.00 Вечерние новости
17.20 «Жди меня»
18.10 «След»
19.00 Сериял «Принцесса цирка»
20.00 02.00 «Время»
20.30 Сериял «Морозов»
21.30 «Подпольное искусство. Бульдозерный перевал»

22.15 Ночные новости
22.35 «На ночь глядя»
23.20 Дневник XXX Московского международного кинофестиваля
23.30 Выпускной бал
00.50 «Гени и злодеи»
01.20 Х/ф. «В поисках галактики»

РОССИЯ

04.00 «Доброе утро, Россия!»
07.55 Х/ф «Мести»
09.45 16.50 «Вести. Дежурная часть»
10.00 13.00 16.00 19.00 «Вести»
10.30 13.20 «Местное время. Вести - Москва»
10.50 Комедия «Кубанские казаки»
13.40 Т/с «Взрослые игры»
14.35 «Суд иди»
15.30 Т/с «Кулагин и партнеры»
16.30 «Местное время. Вести - Московская область»
17.05 Т/с «Женщина без прошлого»
18.00 Т/с «Родные люди»
19.30 «Местное время. Вести»
19.50 «Спокойной ночи, малыши»
20.00 Т/с «Колдовская любовь»
21.50 «Мой серебряный шар»
22.50 «Вести - 1»
23.10 «Честный детектив»
23.40 «Синемания»
00.10 «Дорожный патруль»
00.30 Х/ф «Взять Лягушку»
02.00 Х/ф «Игра в смерть»

НТВ

05.00 «Сегодня утром»
08.00 «Судебные вали»
09.00 12.00 15.00 18.00 21.40 «Сегодня»
09.25 «Чрезвычайное происшествие. Обзор за неделю»
10.00 «Кулинарный поединок»
11.00 «Квартирный вопрос»
12.35 Т/с «Адвокат»
14.30 17.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор»
15.30 Т/с «Возвращение Мухоморова»
18.40 Т/с «Знахарь»
20.40 Т/с «Закон и порядок»
22.05 Т/с «Ставка на жизнь»
23.55 «Школа злопыхов»
23.55 «Quattroquattro»
00.30 Х/ф «Единственная...»
02.20 Х/ф «Сумеречная зона»

КУЛЬТУРА

06.00 Канал «Евроноос»
09.00 18.30 22.30 «Новости культуры»
09.20 «В главной роли»
09.40 00.35 Программа передач
09.50 Х/ф «Фара»
11.10 Д/ф «Канди. Буддизм сегодня»
11.25 «Линия жизни»
12.20 «Моя Зримая»
12.50 Телеспектакль «Такой странный вечер в узком семейном кругу»
14.30 «Документальная история с А. Чубяковым»
15.00 М/ф «Осторожно, щука!»
15.35 «Амазонка всерьез»
16.00 Д/ф «Галилео Галилей»

16.10 Д/с «Все о животных», 19 с.
16.35 «Плоды просвещения»
17.00 «Мелодия стиха»
17.05 Д/ф «Тимбукуту. Главное - добраться до цели»
17.20 «Достоинство республики»
17.30 «БлокНЮТ»
18.00 «Ночной полет»
18.55 Х/ф «Сказание о земле Сибирской»
20.35 Д/ф «Арабский романс»
21.55 «Тем временем»
22.50 «Мелодия стиха»
23.00 «Про АРТ»
23.30 «Нечеловеческий ангел»
00.20 Д/ф «Тимбукуту. Главное - добраться до цели»
00.40 Д/ф «Летающие чудовища»
01.35 «Музыкальный момент»

СТС

07.00 М/с «Человек-паук»
07.55 М/с «Смешарики»
08.00 11.30 18.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
08.30 20.00 Т/с «Папины дочки»
09.00 21.00 Т/с «Я лечу»
10.00 19.30 01.00 «Б кадра»
10.30 Т/с «Кто в доме хозяин?»
11.00 17.30 «Галилео»
12.30 Т/с «Дочки-матери»
13.30 Т/с «Вся такая внезапная»
14.00 М/с
17.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»
18.30 Т/с «Герои»
22.00 Т/с «Атлантида»
22.58 «Скажи»
23.50 Х/ф «Джунглы»
01.30 «Слава Богу ты пришел»
02.45 Х/ф «Золотой час» 1 и 2 с.

ТВ3

07.00 09.15 М/ф.
07.45 М/с
10.00 16.00 Т/с «Баффи - истребительница вампиров»
11.00 Х/ф «Арский дождь»
13.00 «Сигнал бедствия»
14. 18.0000 Т/с «Звездные врата»
15.00 «Мистика звезд»
17.00 «Усп!»
19.00 00.00 Т/с «За гранью возможного»
20.00 Т/с «Кости»
21.00 Д/ф «Тайные знаки. Лаврентий Берия. Палач во власти каролейки»
07.30 «Необиснесино, но факт»
01.00 Х/ф «Потрошитель разума»


ТНТ

05.00 Т/с «Любовь и тайны Санкт Бин»
05.55 Глобальные новости.
22.00 Т/с «Женская лига»
22.30 «Смех без правил»
23.25 Секс с А. Чековой
00.25 Триллер «Секреты Лос-Анджелеса»

Душанба

07.00 10.20 14.00 18.00
19.50 21.05 Ўзбек навалари
08.00 «Жасига ўшаши йўк»
163-серия
08.30 Мировые хиты
09.30 Serial «Соф муҳаббат»
15-серия
11.00 Prime time (рус)
11.30 «Человек-паук-3» X/ф.
14.30 «Премьера» (рус)
15.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 163-серия
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Кинокурьер»
18.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 164-серия
19.00 Serial «Соф муҳаббат»
16-серия
20.30 «Топ-10»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 Комедия: «ИВАН ВАСИЛЬЕВИЧ МЕНАЕТ ПРОФЕССИЮ» X/ф.
00.05 Миксер

Сешанба

07.00 08.30 10.20 13.20
18.00 19.50 Ўзбек навалари
08.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 164-серия
09.30 Serial «Соф муҳаббат»
16-серия
11.00 14.00 21.00 Мировые хиты
11.30 «Иван Васильевич меняет профессию» X/ф.
14.30 «Кинокурьер»
15.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 164-серия

Ўшаши йўк» 164-серия
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Tetta Landiya»
17.30 «Премьера» (узб)
18.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 165-серия
19.00 Serial «Соф муҳаббат»
17-серия
21.30 Serial «24 часа»
22.20 -01.00 -ПРЯМАЯ И ЯВНАЯ УГРОЗА» X/ф.

Чоршанба

07.00 08.30 10.20 14.10
18.05 19.50 Ўзбек навалари
08.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 165-серия
09.30 Serial «Соф муҳаббат»
17-серия
11.00 17.00 21.00 Мировые хиты
11.30 «Прямая и явная угроза» X/ф.
14.30 «Jannat Makon»
15.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 165-серия
15.30 Мультфильм
17.30 «Топ-10»
18.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 166-серия
19.00 Serial «Соф муҳаббат»
18-серия
21.30 Serial «24 часа»
22.20 Кино: «САМУРАЙ» X/ф.
00.20 Миксер

Пайшанба

07.00 08.30 10.20 13.25
17.30 19.50 21.00 Ўзбек навалари

08.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 166-серия
09.30 Serial «Соф муҳаббат»
11.00 Мировые хиты
11.30 «Самурай» X/ф.
14.30 «Премьера» (узб)
15.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 166-серия
15.30 Мультфильм
17.00 «Baby Tetta Landiya»
18.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 167-серия
19.00 Serial «Соф муҳаббат»
19-серия
20.30 «Спец репортаж»
21.30 Serial «24 часа»
22.20 «НЕВИДИМКА-2» X/ф.
00.05 Миксер

Жума

07.00 08.30 10.20 13.20 18.00
19.50 Ўзбек навалари
08.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 167-серия
09.30 Serial «Соф муҳаббат»
19-серия
11.00 Мировые хиты
11.30 «Невидимка-2» X/ф.
15.00 Serial «Жасига ўшаши йўк» 167-серия
15.30 Мультфильм
17.00 Мировые хиты
17.30 «Премьера» (рус)
18.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 168-серия
19.00 Serial «Соф муҳаббат»
20-серия
20.30 «Тунлар муборака»
21.30 Serial «Скорость» X/ф.
22.20 «СКОРОСТЬ» X/ф.

00.35 Миксер

Шанба

07.00 11.40 15.05 18.20
Ўзбек навалари
08.30 Мировые хиты
09.30 «Скорость» X/ф.
12.00 Baby hits
12.30 Мультфильм
14.30 «Топ-10»
16.00 Кино: «ЦАРЬ СКОРПИОНОВ» X/ф.
18.00 Prime time (узб)
19.00 «ТОП-10» ГАЛА-КОНЦЕРТИ
21.30 «Премьера» (узб)
22.00 Блокбастер: «ОРУЖЕЙНЫЙ БАРОН»
00.20 — 02.00 Другая музыка

Якшанба

07.00 16.40 19.00 21.00
Ўзбек навалари
08.30 18.20 20.05 Мировые хиты
09.00 Prime time (узб)
09.30 «Оружейный барон» X/ф.
12.00 «Baby Tetta Landiya»
12.30 Мультфильм
14.30 Serial «Жасига ўшаши йўк» 164-168-сериялар
17.30 «Спец репортаж»
18.00 Prime time (рус)
19.30 «Звездопол»
20.30 «Кинокурьер»
21.30 «Премьера» (рус)
22.30 Блокбастер: «ХАЛК»
00.30 Миксер

RTR SPORT

Душанба

04.35 Легкая атлетика. Кубок Европы
07.45 10.00, 10.10, 13.55, 17.25, 22.05,
02.00 Вести-спорт
08.00 09.00 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм
09.15 Мир детского спорта
09.45 Мастер спорта
10.15, 17.35 Футбол, 1/4 финала
12.35 Марингбайк
14.05 Дневник ЧЕ по футболу
14.40 Рыбалка с Радзиевским
14.55, 02.10 Пулевая стрельба
15.25, 02.45 Волейбол. Мужчины.
Италия - Франция
19.45 ПБ. Мэтью Хаттон против Зидана
Васкеса (Пурто-Рико)
20.50 Академическая гребля
22.25 Легкая атлетика.
00.25 Неделя спорта
01.30 Автопорт.
04.30 Гандбол. Мужчины.
06.00 Автопорт. «Ралли Турция»

Сешанба

07.00 «Леготика спорта». Академики
советской гребли
07.45 10.00, 13.45, 19.05, 22.05, 02.20
Вести-спорт
08.00 09.05 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм «Приключения
капитана Врунгеля»
09.35 Мультисериял
09.15 Serial «Большая волна»
09.45 Мастер спорта
10.10, 19.15 Неделя спорта
10.15, 05.05 «Сборные России»
11.45 03.05 Волейбол. Мужчины. Куба
- Россия
13.55, 01.50 Автопорт.
14.25, 02.30 Пулевая стрельба
15.00 Легкая атлетика. Кубок Европы
20.20 Скоростной участок
20.50 Академическая гребля
22.25 Легкая атлетика. Международный

турнир по многоборью
00.30 Маунтинбайк

Чоршанба

05.40 Футбол. «Динамо» - игры
чемпионов
07.45 10.00, 13.45, 19.10, 22.00, 02.20
Вести-спорт
08.00 09.05 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм «Приключения
капитана Врунгеля»
08.35 Мультисериял «Принцесса
Шехерезада»
09.15 Serial «Большая волна»
09.45 Мастер спорта
10.10, 22.25 Скоростной участок
08.15 Фристайл-мотокросс
11.45 03.05 Волейбол. Мужчины. Куба
- Россия
13.55, 01.15 Автопорт.
14.25, 02.30 Пулевая стрельба
15.00 Легкая атлетика. Кубок Европы
19.20 Путь Дракона
19.55 Футбол. «Динамо» - игры
чемпионов
23.00, 01.45 Дневник ЧЕ по футболу
23.30 Рыбалка с Радзиевским
23.55 Маунтинбайк
05.05 «Леготика спорта». Академики
советской гребли

Пайшанба

05.40 Футбол. «Динамо» - игры
чемпионов
07.45 10.00, 13.45, 17.40, 20.40, 02.20
Вести-спорт
08.00 09.05 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм
08.35 Мультисериял «Принцесса
Шехерезада»
09.20 Serial «Большая волна»
09.45 Мастер спорта
10.10 Путь Дракона
10.40 Хоккей. Турнир «Золотая
шайба»

11.20 «Леготика спорта»
12.00 Волейбол. Мужчины.
13.55, 01.15 Автопорт.
14.25, 02.30 Пулевая стрельба
15.30 «Сборные России». Юрий
Борзавойкин
16.00, 05.20 Академическая гребля
17.10, 23.30 Точка отрыва
17.50 Футбол, 1/2 финала
20.00, 23.00, 01.45 Дневник ЧЕ по
футболу
20.55, 03.20 Волейбол. Мужчины.
Италия - Россия
00.00 Маунтинбайк

Жума

06.45 Фристайл-мотокросс
07.45 10.00, 14.05, 17.35, 22.10, 23.30,
02.10 Вести-спорт
08.00 09.05 Зарядка с чемпионом
08.15 Мультфильм «Дедушка и
внуки»
08.35 Мультисериял «Принцесса
Шехерезада»
09.15 Serial «Большая волна»
09.45 Мастер спорта
10.10 Бадминтон
10.20 Футбол. «Динамо» - игры
чемпионов
14.15 01.35 Автопорт.
14.45, 02.20 Пулевая стрельба
15.50, 05.30 Академическая гребля
17.05 «Леготика спорта»
17.45 Футбол, 1/2 финала
20.00 Дневник чемпионов Европы по
футболу
20.30 Рыбалка с Радзиевским
20.45 «Самый сильный человек»
22.35 ПБ. Ахмет Олигов (Россия)
полное Антона Солотова (Австралия)
23.40 Бильярд. Гран-при Европы
03.25 Футбол. «Динамо» - игры
чемпионов

Шанба

06.50 Автопорт.
08.00, 10.00, 10.10, 13.55, 18.40, 23.20,
02.10 Вести-спорт
08.10 Бадминтон
10.15, 02.30 «Леготика спорта»
10.50 Волейбол. «Сервированный мяч»
Всероссийские детские соревнования
11.25, 21.25, 02.50 Волейбол. Мужчины.
Италия - Россия
13.20 Шахматы. «Белая ладья»
Всероссийские детские соревнования
14.05, 01.35 Автопорт.
14.35, 23.45 Бильярд. Гран-при Евразии
16.30 Футбол, 1/2 финала
18.55 Футбол. «Динамо» - игры
чемпионов
«Динамо» (Тбилиси)
20.55 Точка отрыва
04.50 Автопорт.

Якшанба

05.55 Футбол. «Динамо» - игры
чемпионов
08.00, 10.00, 10.10, 13.55, 18.40, 23.20,
02.50 Вести-спорт
08.10 Бадминтон
10.15 Страна спортсменов
10.45 Бадминтон
11.20 Волейбол. Мужчины. Италия -
Россия
13.20, 01.25 «Сборные России»
Анастасия Зуева
14.05 Автопорт.
14.40, 20.35 Бильярд. Гран-при Евразии
16.30 Футбол, 1/2 финала
18.50 03.00 Конный спорт. Конкур
23.00, 02.00 Дневник чемпионов
Европы по футболу
23.30 Футбольное катание
04.45 Фристайл-мотокросс

ТВ-дастурлар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилиди.

JA'ON POCHTASI

(Давоми. Аввали ўтган сонда.)

Ветнам почтаси — бугун

Ветнам почтаси бугунги кунда VietNam Post and Telecommunications Group (VPTN) таркибиде фаолият кўрсатмоқда. VPTN — анъанавий почта хизматлари билан бир қаторда кенг қўламдаги барча алоқа хизматларини кўрсатмоқда. Булар жумласида анъанавий, мобил ва йўлдошли телефон ҳамда интернет хизматларини санаб ўтиш мумкин. Компания томонидан кабеллар, рақамли ускуналар, алоқа жиҳозлари ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти ҳам йўлга қўйилган. Халқаро жўнатмаларни тезкор етказиш мақсадида транс-миллий DHL компанияси билан яқиндан ҳамкорлик қилинади.


Мамлакат ҳукумати почтага катта эътибор қаратаётгани бежизга эмас. Чунки Ветнам почтаси зиммасига аҳолини 100 фоиз телефон алоқаси билан таъминлаш вазифаси юклатилган, таъкидлаш жоизки, ҳозирда бу масала тўла-тўкис ўз ечимини топган. Охириги маълумотларга қараганда, ҳар 100 ветнамликка 10тадан зиёд телефон аппарати тўғри келаркан. Интернетдан доимий фойдаланувчилар сони сўнгги йилларда бир неча бараварга кўпайиб, 12 миллион нафардан ортди, 16 миллиондан зиёд киши эса мобил телефондан фойдаланмоқда. Бу борада рақобат муҳити социалистик Ветнамга ҳам бегона эмаслигига гувоҳ бўлиш мумкин. Ветнамда бир неча уяли алоқа компанияси бор, уларнинг учтасига мамлакатдан ташқарида ҳам телефон хизматлари кўрсатишга ижозат берилган, 16 компания эса аҳолига интернет хизматлари кўрсатиш ваколатига эга. Кучли рақобат муҳитида ривожланишда давом этаётган Ветнам почта корпорацияси мамлакатнинг энг кучли ва даромадгир компаниялари етакчи ўлигида пешқадамлар сафиде борапти.

Ветнам почта хизмати янги туркум маркалар чиқаришни ҳам тўхтатгани йўқ. Сўнгги 20-Осиё почта маркалари кўргазмасида Ветнам учта қумуш ва учта бронза медалга сазовор бўлди. Минтақанинг 25 мамлакат 200га яқин туркумдаги маркаларини намойиш этган Бангкок (Таиланд) кўргазмасида Ветнам етти туркумдаги маркалари билан иштирок этди ва олти медални қўлга киритди.

Ветнам почта ва телекоммуникациялар корпорацияси илгор ва қимматбаҳо технологияларга катта миқдорда сармоя киритмоқда. Масалан, яқинда 1 миллиард АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда сармоя киритиш қўзда тутилган "Янги



КУЁШРАНГ



авлод" (NGN) тармоғининг қурилиши бошланди. VNPT директори ўринбосарининг сўзларига қараганда, NGN тармоғи 2008 йил охири-2009 йил бошларида ишга тушар экан. Бундан ташқари, шу йилнинг 28 март куни илк Ветнам сунъий йўлдоши — VINASAT-1нинг парвози муваффақиятли амалга ошганлиги ҳам янги асрда мамлакатнинг мавқеини янада ошириб юборди. Сунъий йўлдош нафақат NGN тармоғини қуришда қўл келади, шунингдек, сўнгги технологиялар асосида янги хизматларни жорий этиш мумкин бўлади.

Почта бўлимлари ҳатто энг олис, кимсасиз ҳудудларда ҳам тун қоронғусига ишлайди. VPTN филиаллари бошқа бинолардан кескин ажралиб туради. Албатта, компаниянинг замонавий кўринишга келтирилган кўк рангдаги янги ҳошияси ва

ёркин сариқ рангдаги почта қутиларининг бунга унчалик ҳам алоқаси йўқ. Гап шундаки, Ветнамда ҳар қандай почта шахобчаси икки бўлимга ажратилган, яъни аҳолига алоҳида-алоҳида ички ва халқаро йўналишдаги хат-хабарлар хизмати кўрсатилади. Бу ерда миллий кийимдаги хушмуомала ходималар мижозларни доимо хушқайфиятда кутиб олишади. Мижозлар дунёнинг исталган нуқтаси билан боғланишлари, хат-хабар жўнатиш учун хатжилд ва маркалар, сеvimли даврий нашрларини харид қилишлари мумкин. Ҳар куни Ветнамнинг марказий почта бўлимига юзлаб, минглаб кишилар келишади, ўлканинг бетақорр табиати сингари

ALOQA OLAMIDA

ДОМЕН ХУДУДИ ЕТАКЧИЛАРИ

Verisign компанияси домен саноатининг 2008 йил 1 чорагига доир ҳисобот берди (Эслатма: Verisign компанияси .com ва .net (яқин пайтларгача .tv ҳудуди ҳам) домен ҳудудларининг рўйхатга олувчиси ҳисобланади). Компания тарқатган маълумотда айтилишича, жорий йилнинг дастлабки уч ойида Глобал тармоқда рўйхатга олинган домен номлари сони 6 фоизга ошган ва 162 миллионгача ташкил этган.

Домен ҳудудлари орасида якка пешқадамлик ҳамон .com ҳудудига тегишли — бу ерда 73 млн.дан зиёд домен фаолият юритмоқда. Кейинги ўринларда .net (тахминан 15 миллион домен) ва Германиянинг .de ҳудуди (11,5 миллионга яқин домен) қайд этилган. Тўртинчи, бешинчи ва олтинчи ўринлар .uk (Буюк Британия), .sp (Хитой) ва халқаро .org ҳудуди ўртасида ўзаро тақсимланган.

Шунингдек, .pl (Польша), .es (Испания), .ru (Россия) ва .fr (Франция) домен ҳудудларида ҳам чораклик ўсиш бошқа ҳудудларга нисбатан юқори эканлиги ҳисоботда кўрсатилган.

Умуман олганда, 1 чоракда мутлақо янги 14 миллионга ном рўйхатга олинган, бу ўтган йилнинг худди шу давридиган 17 фоизга кўпдир.

МОБИЛ ИНТЕРНЕТ ЕТАКЧИСИ КИМ?

Google интернет-изловчиси мобил қидирув бозорида ҳам яққол пешқадамлик қилмоқда.

Компаниянинг мобил бозордаги улуши 61 фоиздир, қолган икки яқин таъқибчи — Yahoo ва MSNнинг улуши 18 ва 5 фоизга тенг.

Юқоридаги сингари ҳолат илк маротаба бундан тўрт ой аввал, яъни iPhone эгалари томонидан берилаётган излов сўровномалари бошқа смартфонларга нисбатан 50 баравар кўпроқ эканлиги ҳақида Google баёнот берганида кузатилганди. Бунга iPhone хотирасига автоматик равишда Googlegа уланиш амалиёти киритилгани бош сабаб бўлмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мобил интернетдан фойдаланувчилар Googleni ўн баллик тизим бўйича ўртача саккиз баллга баҳолашган.

ШИША КЛАВИАТУРА

Дизайнчи Конг Фанвен "тугмасиз" синфига мансуб янги тоифа клавиатурасини ишлаб чиқди. Унинг таклифига кўра, клавиатура шиша пластикдан тайёрланади.

Дизайнчи илгари сурган ғояга биноан шиша тагида камера, сирт томонида эса ёруғлик манбаи ўрнатилмади. Камера клавиатура юзасидаги бармоқ ҳаракатларини "синчиклаб" кузатиб боради ва шунга мувофиқ амалиётларни бажаради.

"Тугмасиз қурилмалар" ғояси, айтиш керакки, янгилик эмас. Масалан, Microsoft компанияси ўтган ойда TouchWai сенсор қурилмасини тақдим этганди. Бу қурилмада лазер нурунини кесилишини қайд этувчи инфрақизил нурлар ва камера ёрдамида бармоқ ҳаракатлари аниқланади.

2007 йил охирида Артемий Лебедев томонидан таклиф этилган қурилма — Optimus Tactus катта сенсор экрандан иборат эди.

ЭЪТИБОР

2008 йилнинг Ёшлар йили деб эълон қилиниши ёшларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ислохотларни амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашувини рағбатлантириш, уларнинг маънавий-ахлоқий, ғоявий-назарий салоҳиятларини ўстириш учун зарур шароитлар яратиб бериш борасида улкан имкониятлар очиб бермоқда.

Университетимизнинг "Олий математика" кафедрасида иқтидорли талабалар билан ишлаш яхши йўлга қўйилган бўлиб, ҳар йили 1-босқич талабаларидан қиши имтиҳон-синов натижаларига кўра иқтидорлилари ажратиб олинади. Уларнинг ҳар бирига кафедранинг етакчи профессор-ўқитувчиларидан илмий раҳбарлар тайинланади ва улар билан математиканинг амалий масалалари татбиқи бўйича илмий-услубий изланишлар олиб борилади. Кафедрда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги Ф.Абдулалеев раҳбарлигида "Математик моделлаштириш" илмий семинари фаолият юритади ва бу семинар машғулотларида иқтидорли талабалар ҳам жалб этилади.

Бу ишлар талабаларда мустақил фикрлаш, математик амалиёт бўйича пухта билимлар шаклланишига ва интеллектуал салоҳиятнинг ошишига олиб келяпти. Буни 253-06 гуруҳ талабаси Р.Ахатов (илмий раҳбари академик Ф.Абдулалеев) "Танланмани сифат бўйича тартибга келтиришнинг камбинаторик усуллари", С-13-07 гуруҳ талабаси А.Юсупжонов (илмий раҳбари доцент А.Темирбеков) "Пифагор

2008-YIL —
YOSHLAR YILI

теоремаси ва натурал сонлар", 320-06 ТРУ гуруҳ талабаси О.Қудратов (илмий раҳбари А.Маматов) "Дискрет Фурье алмаштириш", 225-06 гуруҳ талабаси Н.Йўлдошева (илмий раҳбари доцент Х.Абдуваитова) "Ностандарт масалаларни ечиш" мавзuida талабалар илмий-услубий анжуманига ва кафедра илмий тўғарагига тайёрланган маърузалари матнларидан ва уларнинг бевосита ўз фикр-мулоҳазаларини ифодалашда кўриш мумкин.

Шунингдек, талабалар танланган мутахассислигига керак бўладиган мавзуларни тўла ёритиш ва ўрганиш учун мавжуд адабиётлар билан биргаликда интернет тармоғидан фойдаланмоқдалар. Бу соҳада ҳам самарали натижалар кузатилмоқда.

Айниқса, 111-07 гуруҳ талабалари А.Корчиева, М.Султонқўяев, 120-07 гуруҳ талабалари Ю.Исмаилов, Ш.Ботировалар чўқур мулоҳазалари ва асосли хулосалари билан бизни жуда хурсанд қилишди.

Олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган иқтидорли ёшларни топиш ва аниқлашнинг муҳим омилларидан бири фан олимпиадаларидир. Университетимизда олий ўқув юртлири талабалари ўртасида Республика олимпиадаларини ўтказиш аънаъига айланган бўлиб, олимпиаданинг 1-босқичи олий ўқув юрти, 2-босқичи эса республика миқёсида ўтказилади.

2008 йил 16-17 май кунлари Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтида "Олий математика" фанидан номатематик йўналишлар бўйича талабалар Республика олимпиадасининг 2-босқичи ўтказилди. Унда ТАТУнинг 121-07 гуруҳ талабаси Бахтиёр Рўзиев муваффақиятли иштирок этиб, 3-ўринни эгаллади.

Кафедра илмий салоҳиятининг кўтарилиши, ўз навбатида, талабалар иқтидорини ошириш учун асос ҳисобланади. Кафедра профессор-ўқитувчилари илмий ишлари ҳам муваффақиятли олиб боришмоқда. 2008 йил 15 май кўни кафедра доценти Ришат Усмонов "Мураккаб жараёнларни қатъиймас маълумотлар шароитида моделлаштириш ва бошқариш (гидрогеологик тизимлар мисолида)" мавзuida докторлик диссертация ишини ҳимоя қилди.

Бундан ташқари, доцентлар Ю.Ахатов, А.Мирзаев, А.Маматов, Р.Раҳматов, ассистентлар К.Эгамбердиев, Х.Азизов, Г.Шамбилов, Н.Пардаева, Ш.Тожибоевалар ҳам докторлик ва номзодлик иши устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Абдугани МАМАТОВ,
ТАТУ "Олий математика"
кафедраси доценти

РАХБАР ОПА

Мен бу чехраси кулиб турган опа билан хизмат юзасидан қабулга кирганимда танишиб қолдим. У киши мени диққат билан тинглаб, ўзининг иш-ташвишлари бошидан ошиб ётганига қарамай, менга ёрдам қўлини чўзди. Сўнгра опа билан суҳбатлашиб, у кишининг ҳаёт йўлини, меҳнат фаолиятини билиб олдим.

Сожида опа Ҳакимова олийгоҳни тугатгач, турли туманлардаги почта алоқаси тизимида фаолият кўрсатиб, ишбилармонлиги, фидойилиги, камтарлиги туфайли раҳбарлик вазифаларига кўтарилди. Самарқанд вилояти почта алоқаси бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари сифатида 14 йил фаолият кўрсатди. Кейин эса аввал ўзи 11 йил ишлаган Булунгур тумани почта алоқаси тизимида қайтиб, мана 4 йилдики, шу ерда ишлаб келяпти. Фаолияти давомида кўплаб шогирдлар тайёрлади.

— Турмушнинг, ҳаётнинг, вазифанинг ўзига хос олтин қондилари бор, — дейди Сожида опа. — Бу қондиларга риоя қилган киши ҳаётда суринмай-қоқилмай кўзлаган мақсадига етади, иззат-ҳурматга эришади. Бу қонуннинг энг асосийси меҳнат ва атрофдаги кишиларни қадрлаш, эъзозлашдир. Инсонни тушуниш, унга илиқ муомала қилиш раҳбардан чўқур билим, юксак касбий маҳорат талаб этади.

Сожида опа бир ўғил ва бир қизнинг меҳрибон онаси ҳамдир. Ўғли Ҳамид Ҳакимов ички ишларда хизмат қилса, қизи Феруза Абдихоидова она касбини танлаган — у Тошкент алоқа коллежини битириб келиб, Пайарик тумани алоқа тармоғи тизимида йўриқчи вазифасида ишлаяпти. Биз Сожида опага сихат-саломатлик, ишларига омад тилаб қоламиз.

Зофир ФАЙЗИЕВ
Самарқанд вилояти

ХАЁТДАГИ БИРДАН БИР БАХТ - БУ ДОИМО МАҚСАД САРИ ОЛГА ИНТИЛИШДИР!

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!!!

«Universal Ta'lim»

Ўқув маркази қуйидаги интенсив ўқув бўлимларига таклиф қилади:

1. АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ БЎЛИМИ:

- **Ўрта ва кичик бизнес менежер**и — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонуничилиги, компютер, интернет).
- **Компютерда офис ишлари** (бошловчилар учун тўлиқ курс): Windows XP, Microsoft Office: Word, Excel, Paint, Муддати - 2 ой, тезкор ўқитиш - 1 ой ёки 15 кун, 1 ойга — 15 минг сўм.
- **INTERNET ва E-MAIL** (электрон почта) - 15 кун, тезкор - 4 кун, 15 минг сўм.
- **Компютерларни модернизациялаш, йиғиш ва дастурларни ўрнатиш** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Компютерларро локал тармоқлар ва сервер бошқаруви** - 1 ой, тезкор - 6 кун, 40 минг сўм.
- **Photoshop, Corel Draw, 3D Max, Auto Cad, Flash MX, Page Maker, Adobe Premiere** (видеомонтаж) дастури. 1-2 ой, 1 ойга — 40-50 минг сўмдан.
- **WEB-сайтлар яратиш** (HTML, JAVA, Home Site, Dreamweaver) - 2 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Дастурлаштириш** (VISUAL C++ NET, BASIC 6.0 DELPHI) - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 150 минг сўм. Ва бошқа дастурлар...
- **SQL (Server) маълумотлар базаси бошқарувчиси** - 2 ой, 1 ойга — 150 минг сўм. Ва бошқа дастурлар...

2. МОЛИЯ-ИҚТИСОД, ХУҚУҚ ВА БОШҚАРУВ БЎЛИМИ:

- **Ўрта ва кичик бизнес менежер**и — 1 йил, тезкор - 5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Бизнес асослари, бухгалтерия, меҳнат қонуничилиги, компютер, интернет).
- **Бухгалтер - моличи** (бош ҳисобчи даражасида) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 35 минг сўм (нолдан балансгача, "1С" бухгалтерия программаси).
- **"1С" бухгалтерия программаси** - 1 ой, тезкор - 8 кун, 80 минг сўм. Яқка тартибда.
- **"1С" бухгалтерия программаси**ни ўрнатиш хизмати.

■ Дарслар фақат яқка тартибда ёки кичик гуруҳларда деярли ҳужжат топширган кунингиздан оқиб бошланади;

■ Ўқиб вақтини ўзингиз белгилaysиз. Барча йўналишлар бўйича тезкор ўқитиш гуруҳлари мавжуд. Ўқиб учун фақат **паспорт ёки тугилганлик ҳисда гувоҳнома** талаб қилинади. Тулов нақд пул ёки пул ўтказиш йўли билан!

■ Сертификат — диплом берилади.

■ **Қабул:** 9:00-19:00, дам олиш кўни — яқшанба. **Ётоқхона** - 1 ойга 25-30 минг сўм.

шартнома асосида.

- **Корхона ҳуқуқшунослиги** (Компютер, Ҳужжатлаштириш. Меҳнат қонуничилиги. Бизнеснинг ҳуқуқий асослари. Бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Банк иши** (офис ва банк программаси, кредитлаш ва бухгалтерия) - 1 йил, тезкор - 3-5 ой, 1 ойга — 40 минг сўм.
- **Қадрлар иши** - 6 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, internet, меҳнат қонуничилиги).
- **Секретар-референт** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 40 минг сўм (Компютер, internet, иш юритиш тактикаси).

3. ЙИГИТ-ҚИЗЛАРИ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШ БЎЛИМИ:

- **Аудио, видеоаппаратуралар таъмирловчи** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Электромонтёр** - 4 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 50 минг сўм.
- **Уяли телефонларни таъмирлаш** - 3 ой, 1 ойга — 100 минг сўм.
- **Уяли телефонларни дастурлаштириш** - 1 ой, 200 минг сўм.
- **Заргарлик** - 6 ой, тезкор - 3 ой, 1 ойга — 70 минг сўм. Яқка тартибда, заргар ўргатади.
- **Сартарош-стилист, педикюр-маникюр** (эркаклар ва аёллар учун) - 4 ой, тезкор - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тирноқлар ва кийимларни ўстириш, тирноқларни коррекциялаш, акрил ва гуаш билан гул ясаш, чизиш** (яқка тартибда) - 1 ой — 150 минг сўм.
- **Косметолог-визажист** - 2 ой, олий курс билан тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Фармацевтика** (Компютер, интернет билан) - 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиб дорихонада.
- **Тиббиёт ҳамшираси, массажчи** - (Компютер ва интернет билан) 1 йил, тезкор - 3 ёки 5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм. Ўқиб поликлиникада.
- **Кийимларни тикиш-бичиш, моделлаштириш ва элита пардалар** - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм, тезкор - 2 ой.

- **Астарли устки кийимлар тикиш** - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Тўй ва оқшом қўйлақлари тикиш** - 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 30 минг сўм (яқка тартибда).
- **Ғазламалардан гуллар ясаш** - 2 ой, тезкор - 10 кун, 1 ойга — 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Қўлда кийим-буюмлар тўқувчи** (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Бисер усулида кашатчи-безакчи** - (олий курс билан) 2 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Бисер асосида дизайн** - (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Зардўзлик** - (яқка тартибда) - 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 25 минг сўм.
- **Машинада ва қўлда кашта тикиш** (вишивка) - 3 ой, 1 ойга 25 минг сўм (яқка тартибда).
- **Юмшоқ ўйинчоқлар ясаш** (яқка тартибда) - 2 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Уйғур, миллий ва европа таомлари** (70дан ортиқ овқатлар) 3 ой, тезкор - 1 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Пазандчилик** - (пиширилар, тортилар, салатлар, овқатлар...) 3 ой, тезкор 1 ой ва 1,5 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Тортиларни олий даражада безатиш санъати** - 1 ой, 150 минг сўм (яқка тартибда).

4. ТИЛЛАРИНИ МУКАММАЛ ЎРГАНИШ БЎЛИМИ:

- **Инглиз тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (чўқур ўрганиш) гид-таржимон - 4 ой, (олий курси) гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Рус тили** - (бошловчилар учун) - 4 ой, (давом эттирувчилар учун) - 4 ой, гаплашув клуби - 4 ой, 1 ойга — 20 минг сўм.
- **Немис, француз, инглиз, рус, корейс, турк ва араб тиллари** - (яқка тартибда) - 4 ой, ҳафтада 3 марта, 1 ойга — 100 минг сўм.

МАНЗИЛ: Тошкент ш. Халқлар дўстлиги кўчаси, 13-уй.

КЕЛИШ ЙЎЛИ: Автобус: 77. Трамвай: 9.

Троллейбус: 6. **Маршрутка:** 98, 132, 135, 134, 40, 81, 12, 98. **Метронинг** «Хамза» бекети.

Мўлжал: «Flagman» кафе-ресторанининг унг томонидаги 13-уй.

Тел.: 273-91-60(факс), 273-44-26.



Лицензия № ASUZ 001922007T0002-05

MA'NAVİYAT

Миллий истиклол ғоясининг асосий вазифаларидан бири фуқароларимиздаги ватанпарварлик туйғуларини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Мамлакатимизда янги жамият қурилаётган бугунги шароитда, Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, «Ватан туйғуси, Ватан тушунчаси биз учун саждагоҳдай муқаддас, саждагоҳдай пок ва улуг бўлмоғи керак...»

Ватанпарлик — бу Ватанни севиш ҳақидаги бандларвоз гаплар, қақирлар, ширлар эмас, балки ҳақиқий ватанпарварлик эл-юртнинг порлоқ келажаги учун, Ватан, халқ миллат фаровонлиги йўлида чинакамга ҳалол меҳнат қилишдир. Она заминни чин дилдан севоқ, унинг манфаати йўлида бутун билим, қобилият, куч-қувватини сарфбар қилмоқ, ватанпарварлик аломатидир. Худди шунинг учун ҳам ватанпарварлик юксак эътиқод, Ватан ва миллат олдидаги масъулият, юксак бурчни англашдир. Аждодлардан авлодларга етиб келаётган «Ватанни севоқ иймондандир» — деган ҳадис замирида ҳам худди шундай мазмун ҳужасам.

Ватанпарварлик ниятда серкира бўлиб, тарихий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий тараққиёт жараёнида доимо такомиллашиб, ривожланиб боради. Кимки Ватан манфаати, қадр-қимматини, тақдирини, истикболини қанча кўп англа-

Ватан туйғуси

са, унда ватанпарварлик туйғуси шунча банд бўлади. Бу жараён чексиз. Инсонда ҳеч қачон тугалланган ватанпарварлик шаклландмайди. Тарихий, ижтимоий-сиёсий, маънавий тараққиётнинг турли босқичларида ватанпарварликнинг янги-янги қирралари намоён бўлади. Бинобарин, ҳар бир шахсдаги ватанпарварлик туйғуси жамият тараққиёти билан боғлиқ.

Ватанпарварлик туйғуси фақат Ўзбекистонда яшовчи кишиларда эмас, балки ундан узоқда — хорижда яшовчи ватандошларимизда ҳам мавжуддир. Хорижда яшаётган ўзбекларнинг Ватан дея энтикишлари, дил изҳорлари, ёш туркистонликларнинг биринчи Тошкент халқаро учрашувларида ўқилган маърузалар, шеър-

лар фикримизнинг далилидир. Муҳожирликда яшашга мажбур бўлган юртдошларимиз хору зорликдан эмас, балки Ватан дийдорига интизорликдан чексиз азоб чекишган. Бундай кайфиятни Германияда яшовчи ватандошимиз Исмоил Минхожининг дард ва алам билан ёзилган

мактубида яққол кўришимиз мумкин: «Инсонга қаерда бўлмасин қорин тўйдириши учун бир парча нон кифоя. Лекин Ватаннинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди!»

Ривоят қилишларича, Ўғизхоннинг кучли рақибларидан бири унга қарши уруш бошламоқ учун турли-туман талаблар қўя бошлаган. Чунончи, ундан энг яхши кўрган тулпорини сўраган. Хон бехуда қон тўкилмаслиги учун яхши кўрган аргумогидан воз кечади. Кўп ўтмасдан қўшни мамлакат ҳукмдори Ўғизхоннинг жигига тегиш мақсадида, икки давлат ўртасидаги можароларни янада кескинлаштирмоқ учун ундан яхши кўрган хотинларидан бирини беришни сўрайди. Мамлакат оқсоқоллари Ўғизхондан қўшни мамлакатнинг сур-


бет хонига қарши уруш бошлашни талаб қиладилар. Лекин Ўғизхон бехудага қон тўккандан кўра гўзал маликадан воз кечишни афзал кўради. Ниятда, рақиб Ўғизхон давлатига қарашли бир парча ерни инъом этишни сўрайди. Оқсоқоллар Ўғизхонга ерни қўшни мамлакат хонига беришни маслаҳат берадилар. Шунда Ўғизхон қўйидаги сўзларни айтган: «Ватан бизнинг мулкимиз эмас. Қабрда ётган оталаримизнинг ва қиёматга қадар туғилажак авлодларимизнинг бу муборақ тупроқ устида ҳақлари бордир. Ватандан озгина бўлса ҳам, бир қарич бўлса ҳам ер бермакка ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Бундан буюғига уруш қилажамиз. Энди мен отимни душман томон сураман». Ўғизхон шундай деб душманга қарши юриш бошлайди ва ғалаба қозонади.

Ватанпарварлик — ана шундай қудратли туйғу. Миллий ғоя ушбу туйғунини шакллантиришга хизмат қилар экан, ҳаюртларимизни миллат, Ватан манфаатлари атрофида жипслаштиради, диёримизда озод ва обод Ватан барпо этиш учун реал имкониятлар яратеди.

Тоҳир ҚУРБОНОВ,
ТАТУ Қарши филиали "Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар" кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди

XXI асрда — турли мамлакатлар иқтисодиёти, маданияти, маънавияти, одамлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва боғлиқликнинг кучайиши жараёнида, яъни глобаллашув замида яшаётганлигимизни назарда тутадиган бўлсак, дунё ягона ахборот майдонига айланиши билан боғлиқ реал воқеаларга эътибор қаратмаслик мумкин эмас.

АКТ глобаллашувда



тармоқ хавфсизлиги

Бугунги кундаги тез ўзгарувчан шароитларда давлат, жамият ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш масаласи ҳар қандай давлатнинг устувор вазифаси бўлиб қолмоқда. Ахборот глобаллашув замида республикамиз халқаро миқёсда ўз ахборот мавқеини эгаллаши ва уни кучайтириши лозим. Ушбу вазифа эса тегишли қонунчилик асосларининг яратилиши асосида амалга оширилади.

Янги юзйилликнинг инсоният олдига қўяётган ўта кескин талабларидан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкин, ҳаҳон миқёсида ахборотлаштириш жараёни торабга глобаллашиб, бу борадаги рақобат кучаймоқда. Ачинарли томони шундаки, ахборот наинки товар, балки аксарият ҳолларда айрим сиёсий қўчларнинг ғаразли мақсадларига хизмат қиладиган мафкуравий таъсир қуроли бўлиб бормоқда.

Тармоқлар ёрдамида корхоналар, завод ва фабрикалар, таълим тизими ва бошқа кўплаб соҳалардаги автоматлаштирилган тизимларни назорат қилиш мумкин. Мамлакатимизда ҳам дастурий таъминот ишлаб қулувчи корхоналар сони кўпайиб бормоқда, улар ўз навбатида, тармоқдан бошқарилувчи автоматлаштирилган тизимларни ишлаб чиқаришмоқда, чунки тармоқларро ишлашга асосланган дастурлар яратиш давр талаби бўлиб қолди.

Ахборот технологиялари ривожланиб, глобаллашиб бораётган, унга бўладиган таҳдидлар, уларнинг турлари ва усуллари ҳам бир жойда тўхтаб турмайди. Хусусан, бугунги кунда тармоққа бўлаётган таҳдидлар кўпчилиги ва хилма-хиллиги билан кўплаб дастурчи-

ларни, администраторларни ва фойдаланувчиларни шошириб қўймоқда. Ҳозирда катта ва мураккаб тизимларни ишдан чиқариш, таъбир жоиз бўлса, санъат даражасига чиққан-ки, ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича кўп олимлар, таҳлилчилар ва дастурчилар кечаю кундуз бош қотиришга мажбур бўлмоқдалар.

Тармоқдан тизимга бўладиган ҳужумларда одатда ҳужум қилаётган томон нишондаги объектни ўрганиб чиқади. Шундан сўнг назарияга асосланган ҳолда тизимдаги энг лаёқатсиз бўғинни танлаб олади. Бу бўғин ҳужумчи учун бошланғич босқич сифатида келади, чунки ҳужумчи учун дастурда қилинган мантқиқий ва қўпол хатоларни ўзи етарлидир. Узоқда жойлашган тизимларни таҳлил қилиш, улар ҳақида маълумот йиғиш fingerprinting деган атама билан номланади. Бу йўл билан амалиёт тизимнинг тури, сервер иловалари, дастурий ва аппаратли таъминотларнинг турлари аниқланади.

Бугунги кунда тармоқ хавфсизлигини таъминлашнинг бир қанча усуллари мавжуд. Буларга энг асосийларидан тармоқларро экран, виртуал хусусий тармоқ ва бошқаларни қўллаш

киради. Тармоқда ахборот хавфсизлигини таъминлашда эришилган энг сўнгги ютуқлардан бири бу IPS/IDS (Intrusion Prevention System/Intrusion Detection System) тизимларининг яратилишидир. Бу тизимлар биргаликда — алоҳида бўлиб фаолият юритишлари мумкин. Ушбу тизим рухсат этилмаган киришларни аниқлайди ва уларни бартараф қилади. Тизимлар асосан икки хил кўринишда ишлаши мумкин. Биринчи ишлаш тартибида барча ҳужумлар сигналуралари мавжуд бўлиб, улар маълумотлар базасида сақланади. Бу тартибнинг афзаллиги — таҳлил қилиш тартибига нисбатан тезроқ ишлайди. Камчилиги — агарда мавжуд бўлган ҳужум усулига озгина ўзгариш киритилса, у ҳолда тизим уни аниқлай олмай қолади. Тизимнинг иккинчи ишлаш тартиби эса таҳлилга асосланган ҳолда фаолият олиб боради. Унга кўра киришдаги барча пакетлар таҳлил қилинади ва статистик маълумотлар йиғилади, яъни бу тартиб ўз малакасини ошириш хусусиятига эга.

ЁШЛАР ЮТУҒИ — БИЗНИНГ ЮТУҒИМИЗ

Ёшлар йили муносабати билан таълим-тарбияга эътибор янада кучайиб, илм олиш учун қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. ТАТУ Урганч филиали қошидаги академик лицей ёшлари ҳам жорий ўқув йилида анча ютуқларни қўлга киритишгани қувонарли ҳолдир.

Жумладан, информатика бўйича 2008 йил ўтказилган Бутунроссия дастуридаш очик чемпионатида талабаларимиз гуруҳи қатнашиб, ғолибликка мушарраф бўлдилар.

Шу йил март ойида ўтказилган вилоят олимпиадасида информатика фанидан қатнашган талабамиз Музаффар Ортиқов ғолибликни қўлга киритиб, республика олимпиадасида ҳам муваффақиятли қатнашиб келди. Спорт соҳасида ҳам ютуқларимиз анчагина. Бокс ва каратэ бўйича талабаларимиз вилоят ва республика турнирларида совринли ўринларни эгаллапти.

Бу қувончлар устига яна бир қувонч — янги лицей биноси қуриб битказилди. Кенг ва ёруғ, замонавий техника билан жиҳозланган янги лицей биноси талаба ва ўқитувчилар учун мустақиллик байрамига муносиб совға бўлди.


Ёшлар йилида ёшларимиз тарбиясига, уларнинг келажагига янада эътиборли бўлиш биз устозларнинг биринчи галдаги вазифаси бўлиб қолиши зарур.

М.МАШАРИПОВА,
ТАТУ Урганч филиали қошидаги 1-сонли Академик лицей маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари

Рустам РАҲИМОВ,
ТАТУ талабаси


OQLAR BOSHLAYDI VA ...

1-масала



Бир юришда мот

2-масала

Қора шохга икки юришда мот бериш
учун уни қайси хонага жойлаштириш
керек?

xabarnoma@mail.ru

"Хабар"нинг 2008 йил 6 июн, 23 (820)-сонида берилган шахмат масалалари жавоблари:

- 1-масала (тўрт юришда мот) — 1. Фил h5 — Шох h5: 2. Шох g7 — h6 3. Шох f6 — Шох h4 4. Шох g6#
2-масала (қоралар бошлайди ва уч юришда зафар қозонади) — 1. ... — Асп b4+ 2. Рух b4: — Рух c3+ 3. Шох c3: — Рух e3#

"Хабар"нинг 2008 йил 6 июн, 23 (820)-сонида берилган шахмат масалаларига тўғри жавоб йўллаган муштарийлар:

1. **Икром Бўронов ва Равил Зиганшин** — "Сурхондарё Телеком" филиали муҳандислари (1-2-масалалар).
2. **Абдулхай Нишонов** — Уйчи почта алоқаси тармоғи ПХХ техниги (1-2-масалалар).
3. **Худойберди Келдиев, Рихсиддин Қосимов ва Феруза Норматова** — "Ўзи-Термиз филиали ЛАЗ бўлими техник ходимлари (1-2-масалалар).
4. **Озод Алимов** — Эллиққалъа телекоммуникациялар боғламаси маркетинг хизмати мутахассиси (1-масала).

BILASIZMI?

Бутерброд қандай пайдо бўлганини биласизми? Уни улуг астроном Николай Коперник (1473-1543) ихтиро қилган. У нон бўлақларининг устини сариёғ билан қоплаб, нонга чанг ўтирган ёки ўтирмаганлигини кўриш мумкинлигини айтган эди.

Ўн еттинчи асрда сарой базмларини кўнгилдагидек ўтказиш, яъни куй-қўшқлар, мушакбозликларни ташкиллаштириш ошпазнинг зиммасига юклатилган.

1839-1842 йилларда Англия ва Хитой ўртасида бўлиб ўтган уруш тарихда "Афюн уруши" деб аталади. Чунки унда Англия ҳукумати Хитой ҳудудида афюн сотиш ҳуқуқини кўлга киритиш учун уруш олиб борган.

"Футбол уруши" ҳақида эшитганмисиз? 1969 йил 14 июн куни бошланган мазкур уруш Салвадор ва Гондурас давлатлари ўртасидаги футбол ўйини оқибатида келиб чиққан.


BU — QIZIQ!

Ёмон кўздан асрасин

Киши нигоҳини чалғитиб, кўз тегишидан сақловчи ҳар хил тумор ва кўзмунчоқларни жаҳоннинг деярли барча халқларида учратиш мумкин. Бироқ дунёнинг биргина ерида — Туркиянинг Анатолия вилоятида кўк кўз шаклида кўзмунчоқ тайёрлайдилар.

"Назар бончугу" деб юритиладиган бундай энг яхши кўзмунчоқ тайёрловчи ҳунармандларнинг устахоналари Измир шаҳри яқинидаги Гёресс ҳамда Кудулес қишлоқларида сақланиб қолган. Кўзмунчоқ тайёрлашда ишлатилаётган печлар ва кўзмунчоқ ясаш технологияси қадим-қадимдан ўзгармай келяпти. Кўзмунчоқ шундай тайёрланади: шиша ва бўёқ моддалари бўлақчалари махсус идишга солинган, печ қарағай ёки 900 даражага қиздирилади. Қарағай яхши қиздиришдан ташқари, шишага шаффофлик ва ўзига хос ярқироклик ҳам касб этади.

Кўз шаклидаги кўзмунчоқлар кўк-ҳаворанг рангли бўлади. Кўзмунчоқда рангли расм ҳосил



қилиш учун шиша эритмасига махсус технология бўйича ҳар хил рангдор шишалар қўшилади. Ҳўш, кўзмунчоқлар нега айнан кўк рангда бўлади? Буни шундай изоҳлайдилар.

Оғиздан-оғизга ўтиб келаётган қадимий бир ривоятга кўра, кўк кўзли одамлар нихотда "хавфли" саналган, чунки улар кўздан ён-атрофдагиларга ёмон таъсир

этувчи хатарли нур таратар экан. Шу боис Анатолия кўзмунчоқлари, асосан, кўк рангда ишланади.

Сирасини айтганда, кўзмунчоқ ясаيدиганлар ёмон кўзлар уч хил таъсир қўрсатади, деб ҳисоблайдилар. Биринчи хили — ғайрихитийрий таъсир бўлиб, бунда зиён-заҳмат атайлаб қилинмайди. Иккинчи хил — таъсир мудҳиш мақсадларни кўзлаб, атайин қилинади. Учинчи хили — ғойибона таъсир бўлиб, бунда одам ёмон кўз таъсирига тушиб қолганлигини ҳатто билмайди ҳам. Шу боис ёмон кўз таъсирининг бу хили нихотда хавфлидир.

Дарвоқе, кўзмунчоқни кўз шаклида тайёрлашнинг динга мулк алоқаси йўқ. Бу — кўп асрлар мобайнида мусулмонлар, яҳудийлар ва насронийлар оғани бўлиб яшаб келаётган Анатолия аҳолисининг анъанасидир. "Назар бончугу"нинг кўз тегишидан асрашида барча анатолияликлар ишонишади.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро филиали Қоракўл почта алоқаси тармоғи жамоаси муҳандис Раззоқберди ЧОРИЕВНИ, почта хавфсизлиги хизмати техниги Шухрат САИДОВНИ ҳамда муҳандис Марҳабо САИДОВАЛАРНИ туғилган кунлари билан самимий табриклаб, уларга мустақам соғлиқ ва оилавий тинч-тотувлик тилайди.

Энг ақлли одамлар

"Creators synectics" халқаро компанияси илм-фан, сиёсат ва бошқа соҳаларда фаолият юритувчи дунёнинг 100 нафар ақлли одами рўйхатини тузди. Ушбу рўйхатга 24 нафар буюк британиялик ва 43 нафар америкалик киритилган.

1-ўринда икки киши турибди, **АЛБЕРТ ХОФМАН** — швейцариялик химик ва **ТИМ БЕРНАРС ЛИ** — буюк британиялик компютер олими. Ушбу рўйхатда америкалик сатирик ва мултипликатор **МЕТ ГРОУНИНГ** ҳам бор. У ўзининг "Симпсонлар" ва "Футурама" мултифилмлари билан дунёда машҳур ҳисобланади.

НЕЛСОН МАНДЕЛА сиёсатчи ва дипломат бўлиб, инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида фаолият кўрсатган. 1993 йилда Нобел мукофоти совриндори бўлган. 1994-1999 йилларда Жанубий Африка Республикаси президенти бўлган. Айни пайтда ВИЧ/ОИТС касаллигига қарши курашмоқда.

Италиялик машҳур ёзувчи ва драматург **ДАРИО ФО** эса ушбу рўйхатнинг 7-ўрнида турибди. У 1997 йилда Нобел мукофотига сазовор бўлган. "Мистерия-буфф" (1969), "Бахтсиз ҳодиса туфайли ҳалок бўлган анархист" (1970), "Так-Так! Ким у? Полиция" (1970) каби асарларнинг муаллифи.

Буюк британиялик физик **СТИВЕН ХОКИНГ** ҳам ушбу рўйхатда муқим ўрнашган. **ОСКАР НИМЕЙЕР** эса дунёда Бразилия архитектура мактаби асосчиларидан бири сифатида эътироф этилади. У БМТнинг Нью-Йоркдаги штаб-квартираси биноси лойиҳасининг тайёрланишида ҳам иштирок этган.

Америкалик бастакор **ФИЛИПП ГЛАСС** ва россиялик математик **ГРИГОРИЙ ПЕРЕЛМАН** рўйхатнинг кейинги ўринларида турибди.

Андижонда	Бухорода	Гулистонда	Жиззахда	Навоийда	Наманганда	Нукусда	Самарқандда	Термизда	Тошкентда	Урганчда	Фарғонада	Қаршида
226-47-80	223-27-85	40-12-19	226-60-92	225-91-10	226-61-85	217-26-63	234-06-71	224-06-12	233-36-48	226-43-13	226-87-71	224-08-99

Юнон афсоналарида келтирилишича, Прометей одамлар учун олов келтиради. У бу жасорати учун Зевс томонидан қаттиқ жазоланади ҳамда узоқ ва дахшатли азоб-укубатга тортилади... Орамизда болалигида ушбу ҳикояни эшитмаганлар бўлмаса керак. Ўша пайтда бу ҳақиқатдек туюлар эди.

Келинг, бир муддатга китобда келтирилган Прометейнинг ушбу қаҳрамонлигини ҳақиқат деб тасаввур қилиб кўрайлик! Агар Прометей шундай жасурликка қўл урмаганида ёки бу вазифани уддалай олмаганида бизда иссиқлик бўлмасди. Бундай ҳолатни тасаввур қилишнинг ўзи ҳам дахшатли бўлса керак...

Реал ҳаётга қайтсак, биз ҳозирда бир зумда телевизорни қўйишимиз, газ ўчоғида олов ёқишимиз мумкин ва бунинг учун XXI асрда яшаётганимиздан, инсон манфаатлари учун коммунал хизматлари борлигидан кўнглимиз таскин топади.

Табиий газ деб аталмиш коммунал хизмати ҳақида нима дейишимиз мумкин?

Табиий газ бошқа коммунал хизматлари каби маиший ҳаётимизда муҳим ўрин тутади. Ҳозирда шундоқ ер остидан магистрал газ қувурлари орқали кечаю кундуз, 24 соат давомида, йилнинг 365 кунни мобайнида бизнинг уйимизга қарийб узилишларсиз ҳаммага қадрли ва нихоятда зарур бўлган табиий газ етиб келмоқда.

Табиий газнинг ҳаётимиздаги ўрни қандай?

Маиший қулайлик – ушбу фойдали қазилманинг асосий устунлиги. Ахир “зангори олов” ёниш жараёнида ортқча хид ва тутун чиқармайди, ундан тўғри фойдаланилганда инсон ҳаётига деярли хавф туғилмайди. Шунинг учун уйимиз ва хонадонларимизда ўзимизни хавфсиз ва қулай ҳис этамиз.

Коммунал тўловлари нима?

Аслини олганда бу – ҳақиқий шинамлик эканини, усиз бир кунимизни ҳам меъёрда ўтказа олмастлигимизни тўлалигича тушуниб етавермаймиз. Ахир хонадонда табиий газсиз маи-

ПРОМЕТЕЙдан... PAYNETгача

ший қулайлик юзага келадими? Электр қуввати ва сувсиз ақалли бир ҳафта яшаб кўрингчи?!

Шинам ҳаёт кечиришни ҳеч кимга тақиқлаб бўлмайди, аммо баъзида табиий газдан фойдаланганлик учун тўловни амалга ошириш серташвиш ишга айланади. Чунки истеъмолчида қарздорликни қоплаш ёки тўлов учун ҳар доим ҳам вақт топилавермайди. Орамизда шундай фуқаролар борки, коммунал хизматлар тўловини амалга ошириш уларга сайр қилиш учун бир сабаб вазифасини ҳам ўтайди. Бироқ бошқа бир тоифа вакиллари ҳам бор. Уларнинг ҳатто дам олиш кунларида ҳам бўш вақтлари бўлмайди, ахир бизнинг фаол ҳаётимиз тобора кўп бўш вақтимизни оляптида. Хуллас, шу тоифадаги инсонлар учун коммунал тўловларини амалга ошириш ҳақиқий муаммага айланади. Сабаби, иш кунинда барча юмушларни ташлаб, табиий газ тўловини амалга ошириш учун ишхонадан узоқда жойлашган кассага бориш ҳақиқатан ҳам анча оғир.

PAYNET янги хизматни таклиф этади!

Замонавий технологияларни жорий этиш бу муаммонинг ечими бўлиши мумкин. Бунинг натижасида коммунал тўловларни, хусусан, табиий газ тўловини амалга ошириш жараёни энгиллашади.

Ўтган йилнинг ноябрида PAYNET компанияси электр қуввати учун тўлов-

ларни қабул қилиш бўйича янги хизматни жорий қилган эди. PAYNET ID идентификация карталарининг амалга киритилиши билан тўлов жараёни анча энгиллашди. Картанинг ўзига хос рақамини Тошкент шаҳар электр таъминоти корхонасидаги шахсий ҳисобга бириктириб, бутун республика

тўловнинг биллинг тизимига жўнатилади. У ерда ушбу маълумотлар ишланади ва тўлов суммаси тўғри тўловчининг шахсий ҳисобига бориб тушади. Шундан сўнг тўлов қабул қилинганлигини тасдиқловчи хабар тўлов амалга оширилган ўша шохобчага юборилади. Ушбу жараён атиги 5-7 сония вақтни талаб этади.



PAYNET шохобчаси оператори истеъмолчига қарздорлик, тўлов суммаси, вақт, хизмат ва бошқа маълумотлар кўрсатилган ахборот чекини тақдим этиши лозим.

Ушбу коммунал хизматлар учун тўловнинг қулайлиги шундаки, PAYNET шохобчалари нафақат одамлар гавжум жойларда, балки аҳоли зичлиги камроқ бўлган вилоят ва туманларда ҳам жойлашган.

Келгусида PAYNET компанияси тизимга барча коммунал хизматларни киритиб, бутун республика бўйлаб жорий этишни режалаштирган. Ушбу лойиҳа катта миқдордаги сармояни талаб этишига қарамай, PAYNET компанияси коммунал хизматлари тўловларини бирмунча оддий, қулай ва осон қилишга ҳаракат қилади. Таъкидлаш жоизки, ушбу қадам фойда кўриш мақсадида ташланаётгани йўқ, маънавий тамойиллар ҳам мавжуддирки, уларни қўллаб-қувватлаш лозим. Чунки мамлакатимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Албатта, шу билан қайта-қайта тилга олинаётган коммунал масалалар мавзусига нўқта қўйиш мумкин эмас. PAYNET тизими орқали тўлов ўтказилган тақдирда ҳам коммунал хизматлар ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш зарурдир.

Шунингдек, бизнинг соғлигимиз биринчи навбатда ичимлик сувининг сифатига, ўз вақтида берилиб турган иссиқлик ва электрга боғлиқ эканлигини унутмаслигимиз керак. Ушбу захираларнинг истеъмолчига узлуксиз равишда етказиб берилиши учун фуқаролардан коммунал хизматлари тўловлари шаклидаги каттагина молиявий кўмак талаб этилади.



PAYNET ТИЗИМИДА ГАЗ ОСОН ВА ҚУЛАЙ ТЎЛОВЛАР

© маълумот учун телефон PAYNET: 239 19 99; Тошкент Шаҳар Газ: 254 92 12

①www.paynet.uz ②info@paynet.uz